

ҚОРАМОЛ ПАРВАРИШЛАШ СИРЛАРИ

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:
Рустам Қурбонов

«MERIYUS»
Тошкент – 2013

46.0 - Қорамол

УДК: 636.2 (571.1)

ББК: 46.0 М-70

Қорамол парваришлиш сирлари / Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Рустам Курбонов. масъул мухаррир М. АБДУЛЛАЕВА - Тошкент: Meriyus, 2013 йил, 96 бет.

ISBN 978-9943-395-92-3

УДК: 636.2 (571.1)

ББК: 46.0 М-70

Чорвачилик халқни боқади, бой қиласди, иш билан банд этади. Чорва молларининг янги зотларини яратиш, маҳсулдорлигини ошириш, чорва соҳаларини бошқариш кишидан улкан сабот ва билим талаб этади.

Ушбу китобда шулар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, мазкур қўлланма сизларга манзур бўлади.

10 44264
29
Масъул мухаррир:
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

ISBN 978-9943-395-92-3

2013/91	Alisher Naveiy nomidagi O'zbekiston MK
A6753	

© "Meriyus" нашриёти, 2013.
И. Нуруллоҳ, 2013.

КИРИШ

Бугунги кунда хусусий тадбиркорликка кенг имконият берилган экан, ҳар соҳада тараққиёт ва такомиллашиш кўзга ташланмоқда. Жумладан, чорвадорликни ривожлантиришда ҳам анчагина ютуқлар қўлга киритилди.

Чорва молларининг янги зотларини яратиш ва мавжуд зотларни яхшилаш, чорвачиликнинг турли соҳаларини бошқаришнинг назарий ва амалий усулларини ишлаб чиқиши, шу асосда чорва моллари сонини кўпайтириш ҳамда бошқаришнинг рационал усулларини жорий этишда зоотехника фанига катта ўрин берилган.

А.А.Раҳимов, У.Н.Носиров, Ш.А.Акмалхонов, Н.О.Мавлонов, С.З.Жалилов, М.И.Придорогин, П.Н.Кулешов, Е.А.Богданов, М.Ф.Иванов, И.С.Попов каби олимлар зоотехника фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар. Уларнинг асарларида ҳозирги чорва моллари зотлари, уларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, молларнинг зотини яхшилаш, ҳайвонларнинг конституцияси, маҳсулдорлиги, танлаш ва кўпайтириш моделлари, ем-хашиб ресурсларини ўрганиш, озиқ нормалари ва молларни норма асосида боқишиш усулларини ишлаб чиқишига доир кўлгина маълумотлар берилган.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, чорвачиликни янада ривожлантиришда, аввало, жамоат чорвачилигини ва аҳоли ихтиёридаги шахсий молларни хилма-хил ем-хашиб билан етарли даражада таъминлаш талаб қилинади.

Давлат аҳамиятига молик бўлган ушбу вазифани муваффакиятли ҳал этишда малакали

Қорамол парваришилаш сирлари

кадрлар, шунингдек, бу борада етарли билим берадиган адабиётлар катта роль ўйнайди. Шунинг учун чорвачилик бўйича маҳсус курсни ўрганиш нафақат агроном-биологлар, балки мазкур соҳа билан шуғулланадиган ҳар бир шахс малакасини оширишга ва уларнинг назарий билимларини амалда жорий қилишга ҳар томонлама ёрдам беради.

ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎРНИ

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи бўлиб, халқимизни озиқ-овқат (гўшт, сут ва сут маҳсулотлари), енгил саноатни турли хом ашё билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш, чорва молларини ҳар хил сервитамин озуқалар билан йил мобайнида узлуксиз таъминлаш бу тармоқни жадал ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда чорвачилик энг сертармоқ соҳалардан бири ҳисобланади. Унинг асосий тармоқлари қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик, қуёнчилик, асаларичилик, ипакчилик бўлса, сўнгги йилларда унинг таркиби янги тармоқлар: мўйнабоп ҳайвон турлари, кўл балиқчилиги ва ҳоказолар билан бойиди.

Чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири уларни ихтисослаштириш, концентрациялаш (йириклиштириш) ва интенсивлантиришдан иборат. Бунинг учун мустаҳкам ва барқарор ем-

Сүт ва гўшт маҳсулорлиги

хашак базаси яратиш ва ем-хаشاқдан унумли фойдаланиш, истрофгарчиликка йўл қўймаслик, уларнинг тўйимлилиги ва сифатини ошириш, айниқса, таркибидаги оқсили миқдорини кўпайтириш, сунъий усуlda витаминалар, аминокислоталар, микроэлементлар, антибиотиклар ва ўстирувчи моддалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш талаб этилади. Шу билан биргаликда, омихта ем, донадор ва брикет озиқ тайёрлаш ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Барча турдаги чорва моллари учун муҳим ҳисобланган дағал ва серсув озуқалар (беда пичани, сенаж, силос, маккажӯхори, оқжӯхори, хашакли лавлаги, озиқбоп полиз экинлари)ни янада кўпроқ етиштириш, мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, маданий яйловлар ташкил этиш шулар жумласидандир.

Чорвачиликни интенсивлаштириш кўп жиҳатдан чорва моллари маҳсулорлигига боғлиқ, бунинг учун наслчилик ва селекция ишларини жадаллаштириш, янги сермаҳсул зот ва гуруҳлар яратиш, мавжуд зотларни такомиллаштириш, дурагайлаш ишларини кенгайтириш, саноат асосида чатиштириш тадбирларини жиддийлаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада наслчилик билан шугуулланадиган барча ташкилотлар жонбозлик кўрсатишлари лозим.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан фан янгиликлари, амалиёт, илфорлар тажрибаси, янги техника ва технологияга боғлиқ. Фан янгиликлари эса ишлаб чиқариш тармоқларининг прогрессив усуlda маҳсулот етиштиришида асосий йўлланмадир.

КОРАМОЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Қорамолчилик чорвачиликнинг муҳим ва етакчи тармоғи ҳисобланади. Ҳалқ хўжалиги учун қимматли маҳсулотлар (гўшт, сут, ёғ, тери ва ҳоказолар) етказиб беришда қорамолчилик муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, сут ва гўшт ҳалқимизнинг кундалик ҳаётида салмоқли ўрин эгаллайди. Сут ёш болалар, қариялар, айниқса, bemорлар таомномасидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. У ўзининг бой кимёвий таркиби ва тез ҳазм бўлиш хусусияти билан бошқа маҳсулотлардан фарқ қиласди. Сутдан ҳар хил маҳсулотлар (сариёғ, қаймоқ, пишлок, творог, қатик) тайёрланади. Шунингдек, ундан узбек муддат фойдаланиш ва сут етишмайдиган ўлка ва зоналар учун қуюлтирилган сут консервалари, қаймоқ аралаштирилган кофе, какао ва сут кукуни тайёрланади.

Сигир сутининг енгил саноат учун ҳам аҳамияти катта. Ундан казеин моддаси олинади. Казеиндан эса тутма, киноплёнка, сунъий жун, клей ва ҳоказолар ишлаб чиқарилади. Молларнинг териси енгил ва пойафзал учун қимматли хом ашё ҳисобланади.

Мол гўнги экин майдонларининг ҳосилдорлигини оширишда қимматли ўғит сифатида ишлатилади.

Шунингдек, қорамолнинг қони ва айрим гормонларидан тиббиётда турили дориворлар (қон зардоби, гемоглобин, гематин, гематоген ва адренокортикотроп - АКТГ гормони ва ҳоказолар) тайёрлашда фойдаланилади. Молларнинг инсон учун унча аҳамияти бўлмаган ички органлари, калла-почаси, қони ва суяклари майдаланиб (ун

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

ҳолида), айрим турдаги ҳайвонларга (чўчқа, паррандалар, мўйнали ҳайвонлар: норка, нутрия, ондатра, тулкиларга) минерал озиқ сифатида берилади.

Қорамолларнинг шохи, туёғи ва суюклари галантнерея ва безак ишларида ҳамда дурадгорлик елими тайёрлашда ишлатилади.

Шундай қилиб, қорамолларнинг бирор қисми ҳам чиқитга чиқмайди. Бинобарин, чорвачиликнинг етакчи ҳисобланган бу тармоғи ҳар томонлама катта аҳамиятига эга.

ҚОРАМОЛНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТИ

Қорамол қўлга ўргатилгач, уларнинг биологик хусусиятлари, маҳсулдорлиги, вазни ва ташқи кўриниши тубдан ўзгариб кетди. Асрлар мобайнида олиб борилган танлаш, саралаш ва наслачилик ишлари натижасида уларнинг сут ва гўшт маҳсулдорлиги ошди, улар тез етилувчан бўлди, серпуштлиги ортди, экструери ва конституцияси ҳам ўзгарди, шунингдек, асаб системасида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Улар организмида эски рефлекслар йўқолиб, янги рефлекслар вужудга келди. Умуман, улар танасида кўплаб морфологик, физиологик ва биокимёвий ижобий устунликлар ва фазилатлар ўз аксини топди.

Табиатшунос олим Ч.Дарвин таъкидлаб ўтганидек, барча организмларда юз берадиган турли ўзгаришлар кўплаб органлар фаолияти ва шакл-формасида ҳам намоён бўлди. Масалан, қорамоллар хонакилаштирилгач, уларнинг елини катталашди, сут безлари яхши ривожланди, кўп микдорда сут соғиб олиш имконига эга бўлинди. Маълумки, қорамолларни қўлда боқишининг

Қорамол парваришилаш сирлари

дастлабки даврларида ҳар бир сигирдан кунига 2-4 кг.дан сут соғиб олинган бўлса ва елинининг оғирлиги қарийб 1 кг. атрофида бўлган бўлса, ҳозирда комплекс тадбирлар (боқиш, асраш, танлаш, озиқлантириш, парваришилаш) асосида серсугт сигирлардан кунига 70-80 кг.дан сут соғиб олинмоқда ва елинининг вазни 15 кг.га етган. Бинобарин, бундай ажойиб хусусиятлар наслдан-наслга ўтишига эришилди.

Молларни хонакилаштириш натижасида уларнинг жинсий (кўпайиш) органлари фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар вужудга келди, яъни сигирлардан исталган фаслда бузоқ олишга эришилди ҳамда серпуштлиги яхшиланди. Уларнинг жинсий жиҳатдан балоғатга етиши тезлаштирилди. Шундай қилиб, узоқ эволюция натижасида, инсоннинг фаол фаолияти ва таъсири туфайли қорамоллар аввалги ёввойи вакилларидан мутлақо фарқ қилувчи шакл-форма, асаб типлари жиҳатидан анча ювош, сермаҳсул, тез етилувчан, серпушт, тур ва гуруҳларга эга бўлди. Бунинг натижасида қорамолчиликда турли йўналишлар ва зотлар вужудга келди. Бу эса инсоннинг ўз эҳтиёжи учун онгли равишда, асрлар мобайнида олиб борган ва ҳозирда ҳам олиб бораётган амалий меҳнат фаолияти ва чоратадбирлари натижасидир.

ҚОРАМОЛЛАРНИНГ МАҲСУЛОТИГА КЎРА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қорамолчиликдаги барча тадбирларни амалга оширишни қулайлаштириш ва кўплаб ишларни тартибли равишда қўллаш мақсадида молларнинг маҳсулот тури, миқдори ва сифати ҳамда бошқа хусусиятларига кўра бир неча йўналишларга

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

бўлиш тавсия этилган. Бинобарин, сут, гўшт учун боқиладиган ва қўш маҳсулдор қорамолчилик мавжуд. Шунга кўра, барча зот ва гурухлар маълум йўналиш вакили ҳисобланади.

Сут йўналиши

Бу йўналиш, асосан, серсугт сигир (қорамол) зотлари ва зот гурухларидан ташкил топган. Бунда сигирлар организмида моддалар алмашинуви процесси боради ва истеъмол қилинган ем-хашак сут тайёрлаш учун сарфланади. Бундай сигирларниң боши кичикроқ ва енгил, нозик ва чўзиқроқ, шохи унча ривожланмаган, бўйни узун, ингичка ва тўғри, унча кенг бўлмаган ҳолда, юпқа тери бурмаларига эга; елкаси торроқ, кўкраги чуқур, лекин кенг эмас; қовурғалари узун, умуртқа поғонасига қия жойлашган ва кенг; қорни катта ҳажмли ва кенг; думи узун ва нозик; оёқлари узун, ингичка ва мустаҳкам; териси юпқа, эластик, қўзғолувчан ва мустаҳкам; жуни нозик ва ялтироқ; елини катта, сут безлари ривожланган, барча паллалари яхши ривожланган, унинг териси юпқа ва нозик, вена қон томирлари бўртиб чиққан; кўзлари ҳаракатчан ва сезгир темпераментга эга бўлади.

Сут йўналишидаги қорамолларга қўйидаги зотлар киради: Қора-ола, Красностеп, Холмогор, Ярославл, Тагил, Украина оқбош, Латвия қўнғир зоти, Эстония қизил зоти, Айршир ва Ангельн зоти, Истобен, Бушуев, Кавказ ва Сибирь зоти.

Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари орасида салмоқли ўрин эгаллаган бўлишига қарамасдан, асрлар мобайнида ўз маҳсулоти унча юқори бўлмаган ва сўнгги вақтларда сони камайиб кетган жайдари - зебусимон

Қорамол парваришилаш сирлари

қорамолларни ҳисобга олмаган ҳолда, бу ерда қорамолнинг фақат битта Бушуев зоти бўлган. Бу зотнинг яратилишида жайдари сигирлар четдан келтирилган моллардан қочирилиб, танлаш ва саралаш ишларининг маълум режа асосида олиб борилиши натижасида вужудга келган.

Умуман, серсугт сирлари қандай бўлишидан қатъи назар, тана тузилиши, яъни экстерцери, конституцияси, қайси мақсадда боқилишини акс эттирувчи хусусиятлари ва бошқа белгиларига кўра гўштдор қорамоллар зотидан катта фарқ қиласди.

Юқорида айтилганидек, Ўзбекистондаги серсугт сигирларнинг танаси узун, лекин унча семиз эмас, кўкрак қисми бир оз торайган, лекин яхши ривожланган, қовурвалари бир-биридан узоқ жойлашган, қорин қисми катта, иштаҳаси яхши, оёқлари узун, ингичка, териси юпқа, эластик ва ялтироқ бўлади. Бундан ташқари, уларнинг елини катта, сўргичлари узун цилиндр шаклида ва яхши ривожланган. Бу хусусиятлари наслдан-наслга бериладиган ижобий белгилар ҳисобланади. Куйида республикамиздаги серсугт сигир зотларининг айримлари билан танишамиз.

Қора-ола зоти. Қора-ола зоти барча республикаларда, шунингдек, ўзимизда ҳам кўп тарқалган, серсугт қорамоллар ичida салмоқли ўрин эгаллайди. Бу зот маҳаллий сигирлар Голланд ва Остфриз зот буқалардан қочирилиб, танлаш ва саралаш ишлари, барча наслчилик ишларидан тўғри фойдаланиш натижасида чиқарилган.

Бу зотнинг вакиллари йирик, мускуллари яхши ривожланган бўлиб, тез етилувчанилиги ва серсуглиги билан бошқа зот қорамоллардан фарқ қиласди.

Улар қора ва ола бўлади. Сигирлари соғин даврида (300-305 кунда) 3500-4500 кг.гача сут

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

беради. Айрим рекордчи сигирлардан йилига 10.000 кг.га яқин сут соғиб олинади. Улар сутидаги ёғ миқдори ўртача 3,5-3,7% ни ташкил этади. Бу зот Тошкент вилояти хўжаликларида кенг тарқалган ва юқори кўрсаткичларга эга.

Сигирларнинг тирик вазни 500-550 кг., буқалариники 850-950 кг., баъзан ундан ортиқ бўлади.

Красностеп зоти. Республикаизда сут учун боқиладиган зотларнинг қуруқ ва иссиқ иқлим шароитига яхши мослашган вакили ҳисобланади. Бу зот чўл ва чала чўл яйловларидан унумли фойдалана оладиган, чидамли ҳайвон ҳисобланади.

Красностеп зоти танасининг тузилишига кўра, сут учун боқиладиган вакилларининг барча талабларига жавоб бера оладиган катта, териси юпқа, бўйни узун ва ингичка, оёқлари узун, ингичка, елини яхши ривожланган, елинга туташган сут томирлари бўртиб чиқсан, сезгир ва истеъмол қилган ем-хашакни асосан сути учун сарфлайдиган зотdir.

Бу зот молларнинг ранги қизил. Сигирларининг тирик вазни 450-500 кг., буқалариники 780-850 кг. келади. Соғин даврида таркибида 3,7% ёғ бўлган 3000-4000 кг. сут беради. Рекордчи сигирларининг сути 12000 кг.гача етади. Бу зот Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Хоразм вилоятлари хўжаликларда боқиласди.

Бушуев зоти. Бу Ўзбекистонда яратилган ягона серсуг қорамол зоти бўлиб, у иссиқ иқлим шароитига, шунингдек, айрим қон касалликларига чидамли ҳайвон ҳисобланади. Бу зотнинг яратилишига рус агрономи М.М.Бушуев асос солган. У Мирзачўл зонасидаги маҳаллий сигирларни четдан келтирилган Голланд швиц зот буқалардан қочириб, олинган дурагайларни яхши

Қорамол парваришилаш сирлари

тарбиялаш ва парвариш қилиш натижасида етишириган.

Бу зотнинг ранги, асосан, оқ, лекин танасининг айрим жойлари - боши, оёғи, қулоги, қорни қора, жигарранг, қизил бўлади. Баъзан уларнинг ранги бутунлай оқ бўлиши мумкин.

У, асосан, Сирдарё ва қисман Жиззах вилоятлари хўжаликларида, шунингдек, Тошкент вилояти хўжаликларида учрайди. Сигирларнинг тирик вазни 400-450 кг., буқалариники 600-700 кг. ва ундан ортиқ.

Улар соғин даврида 2500-3000 кг., рекордчи сигирлар 5000-5200 кг. сут беради. Сутидаги ёғ миқдори ўртacha 4,1-4,4% ни ташкил этади. Сигирларининг сути серқаймоқлиги билан бошқа зот сигирларининг сутидан фарқ қиласди.

Эстония қора-ола зоти. Эстония қора-ола зоти Эстонияга келтирилган Остфриз ва Голланд зот ола буқаларни маҳаллий сигирлар билан чатишириш натижасида яратилган. Латвия ва Литва қора-ола зотлари ҳам шу тартибда вужудга келтирилган. Бу тадбирлар ўтган асрнинг ўрталарида бошланган бўлса, кейинроқ олинган маҳсулдор вакиллари бир-бири билан ўзаро чатишириш натижасида етиширилган.

Эстония қора-ола зот сигирларининг тирик вазни 500-600 кг., буқалариники 900-1000 кг. келади. Сигирлари соғин даврида ёғлиги 3,7-3,8% бўлган 4000-4200 кг. сут беради.

Латвия қўнғир зоти. Бу зотга мансуб сигирлар қизил-қўнғир бўлиб, сути серқаймоқлиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласди. Серсут сигирлардан таркибида 3,8-4,1% ёғ бўлган 4200-5000 кг., рекордчиларидан 10900 кг. ва ундан ортиқ сут соғиб олинади. Лекин баъзан бундан ҳам серқаймоқ сут берувчи вакиллари учраб туради.

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

Сигирларининг тирик вазни 500 кг., баъзан 700 кг. келади. Буқалари ўртача 820-880 кг., баъзан 1200 кг. келадиганлари ҳам учрайди.

Гўшт йўналиши

Гўшт йўналишига мансуб бўлган барча зот ва гурӯхларда моддалар алмашинуви, ўз хусусиятига кўра, истеъмол қилинган озиқларни гўшт ва ёғ тайёрлашга сарфлайди. Бинобарин, улар тез семиради ва сарфланган ем-хашак нисбати сут йўналишидаги зотларга кўра паст бўлади. Бошқача қилиб айтганда, гўшт етишириш учун ем-хашак миқдори маълум даражада тежалиши билан маҳсулот таннархи арzon ва сифати юқори бўлади. Чунки бу йўналишдаги барча молларнинг биологик хусусиятлари қисқа вақт ичida кўп ва сифатли гўшт тайёрлашга мослаштирилган.

Гўштдор қорамолларнинг мускули яхши ривожланган, сужлари бирмунча енгил, танаси кенг ва юмалоқ кўринишда, сонлари семиз, гўштдор, гавдаси тўғри бурчак шаклида бўлади. Боши кичик, енгил ва юмалоқ, лекин кенг; шохлари майда, ялтироқ, унча узун бўлмайди ва ярим ой шаклини эслатади. Шунингдек, бўйни калта, кенг, йўғон ва сермускул ҳамда кўкрак қисмига бирикканлиги унча сезилмаган ҳолда бўлади. Кўкраги узун, кенг ва чуқур. Қовурғалари узун, юмалоқ (доира шаклида), бир-бирига яқин жойлашган бўлади. Елкаси кенг ва тўғри гўштдорлик хусусияти яхши ифодаланган. Орқа оёқлари олдингиларидан калтароқ ва тўғри (тиқ) жойлашган. Териси юмшоқ, қалин ва дағал. Тери остидаги ёғ қавати ривожланган; жуни қалин ва қуюқ, лекин анча нозик. Сигирларнинг елини кичик, сўргичлари тўғри жойлашган, сут безлари унча ривожланмаган ҳолда бўлади.

Қорамол парваришилаш сирлари

Қозоқи оқбош зоти. Бу зот Қозогистоннинг чўл зонасида яратилган ва 1951 йили тасдиқланган. У Қозогистоннинг маҳаллий сигирларини Герефорд зот гўштдор буқалар билан қочириш натижасида ва Қалмоқ зот сигирларни Герефорд буқаларидан қочириб олинган дурагайларни бирбирига чатиштириш асносида вужудга келтирилган. Бу зот вакилларининг ранги тўқ қизил, гилос рангидаги бўлиб, боши ва танасининг айрим қисмлари оқ рангда бўлади. Сигирларининг тирик вазни 500-550 кг., буқалариники 850-950 кг. (баъзан 1000 ва ундан ҳам оғир) келади. Нимталанмаган гўшт чиқими 53-63%, айрим ҳолларда 70% ва ундан ҳам ортиқ бўлади.

Бу зот молларнинг гўшти "мармар" кўринишига, яъни ёғ ва гўшти барча қисмида қават-қават кўринишига эга бўлиб, юқори калорияли ва лаззатлидир. Кўп сут берадиган сигирлардан бир лактация даврида 2200-2500 кг.гача сут соғиб олиш мумкин.

Санта-гертруда зоти. Бу зот АҚШнинг Техас штатидаги Санта-гертруда округида яратилган, анча янги зот ҳисобланади. Бу зот чидамлилиги, муҳитга тез мослаша олиши ва қисқа вақт ичида тез семириши билан бошқа гўштдор зотлардан фарқ қилади. Бу зот вакиллари, айниқса, қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида ўзини яхши ҳис қилиши, қон (гемоспоридиоз ва тейлориоз) касалликларига чидамлилиги билан бир қанча устунликларга эга.

Санта-гертрудада зоти Ўзбекистондаги бир қанча хўжаликларда, жумладан, Жиззах вилоятидаги Бахмал туманида кўпайтирилади. Бахмал туманида гўштга боқилаётган моллар кунига 890 граммдан семиргани ҳолда тирик вазни 540-550 кг.га етганда гўштга топширилади.

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

Абердин-ангус зоти. Бу зот Англияning шимолий қисмига жойлашган Абердин графлигида яратилган. Зотнинг яратилишида асосан маҳаллий зотларнинг роли катта бўлган. Ранги қора ва шохсиз бўлади. Сигирларининг тирик вазни 560-600 кг., буқалариники 800-900 кг. келади.

Бу зот моллар тез етилувчан, гўшти мазали ва тўйимли бўлади. Гўшт чиқими вазнига кўра 65-66%, айрим вақтларда 70% гача бўлади. Сигирлари бир лактация даврида 1200-1500 кг. сут беради ва сутида 4,0-4,5% ёғ бўлади.

Герефорд зоти. Герефорд зоти ҳам Англияда маҳаллий молларни танлаш, саралаш, парвариш қилиш ва яхши озиқлантириш натижасида яратилган. Бу зот тез етилувчанилиги, гўштининг сифати ва гўшт чиқими юқорилиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласи. Ранги қизил, боши, кўкраги, қорни ва оёқлари оқ, рангда. Сигирларининг тирик вазни 490-580 кг., буқалариники 800-850 кг., айримлариники 1100 кг. гача бўлади. Сўйилганда нимталанмаган гўшт ва ёғ чиқими 65-68%, айрим ҳолларда 70% дан ҳам ортади.

Герефорд зот сигирларнинг бир лактация даврида сути 1200-1400 кг., сутидаги ёғ миқдори 3,9-4,0%.

Қалмоқ зоти. Бу зот Қорақалпоғистонга бундан 350 йиллар аввал мўғуллар томонидан келтирилган. Узоқ йиллар мобайнидаги танлаш, саралаш ва наслчилик ишлари натижасида бу зотнинг кўп хусусиятлари (совуққа, ноқулай об-ҳаво шароитига, касалликларга чидамлилиги) анчагина яхшиланди.

Қалмоқ зотининг ранги қизил, (баъзан парча-парча оқ доғлари бўлади), қизил-ола, тўқ сарик

Қорамол парваришилаш сирлари

ва қўнғир-ола бўлади. Сигирларниң тирик вазни 420-450 кг., буқаларники 600-800 кг., айримлариники 900 кг.гача бўлиши мумкин. Гўшт чиқими ўртача 57-60%. Сигирлари бир лактация даврида 650-1000 кг. сут беради. Сугидаги ёғ миқдори 4,2-4,4%. Бу зот ҳар хил ноқулай шароитларга чидамлилиги билан бошқа зотлардан фарқ қиласди.

Кўш маҳсулот (гўшт-сут ва сут-гўшт) берадиган йўналишлаги зотлар

Бу йўналишга мансуб бўлган зотлар гўштдорлик ва серсутлик хусусиятларига кўра бошқа йўналишдаги моллардан фарқ қиласди. Қўш маҳсулот йўналишида боқиладиган зотлар иккига бўлинади. Биринчиси - гўшт ва сут йўналишидаги, иккинчиси - сут ва гўшт йўналишидаги зотлар. Бунинг асосий фарқи шундан иборатки, биринчи йўналишдаги молларниң маҳсулоти иккинчисиникidan кўпроқ бўлади. Масалан, гўшт-сут йўналишидаги сигирларниң гўштдорлиги серсутлик кўрсаткичиги нисбатан юқорироқ бўлади ва, аксинча, сут-гўшт йўналишидаги сигирларниң серсутлиги гўштдорлигидан кўра устунроқ бўлади.

Қўш маҳсулот йўналишидаги (қўш маҳсулдор) барча қорамол зотлари ташқи кўриниши (экстеръери) ва конституциясига кўра сут ва гўшт йўналишидаги молларга нисбатан оралиқ ўринда туради.

Умуман, гўшт-сут йўналишидаги барча зот вакиллари пишиқ конституция типига мос келади. Бинобарин, уларниң айрим вакиллари серсутлиги билан сут йўналишидаги сигирлардан қолишмайди

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

ва баъзан ўзиб кетиши ҳоллари ҳам бўлади (бу Кострома, Симментал зотлари мисолида аниқданган), шунингдек, яхши боқилган гўшт-суг йўналишидаги буқачалар гўшт чиқими ва сифатига кўра гўштдор қорамол зотларига яқинлашиб, ҳаттоки, тенглашиб қолган.

Шуниси характерлики, гўшт-суг йўналишидаги зот вакиллари ташқи кўриниши, хусусиятлари ва шакли жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлади. Уларнинг умумий характеристикаси қўйидагича: танаси мустаҳкам, боши катта, шохлари узун ва бақувват; бўйни йўғон, елкаси ва кўкраги кенг ва чуқур, қовурғалари доирасимон, қорни катта, оёқлари тик ва тўғри жойлашган, елини катталашган, лекин баъзан нотекис ва ўртacha ривожланган, териси қалин ва эластик, жуни ингичка ва ялтироқ бўлади.

Кострома зоти, Қизил горбат зоти, Курганск зоти, Украина кулранг зоти, Симментал, Сичёв зоти, Олатов зоти каби зотлар қўш маҳсулдор зотлардир. Қўйида шуларнинг айримлари устида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Симментал зоти. Бу зотнинг асосий ватани Швейцария ҳисоблануб, инқилобдан кейин кенг тарқалди. Ранги оч кулранг, баъзан кулранг-ола ҳолдагилари ҳам учрайди. Бу зот сигирларининг тирик вазни 550-600 кг. (баъзан 710 кг. ва ундан оғир), буқалар 950-1200 кг. келади.

Сигирлари 2600-3500 кг. (баъзан 7320 кг. ва ундан ортиқ) сут беради. Сутидаги ёғ микдори 3,0-5,8% ни ташкил этади.

Швиц зоти. Швиц зоти сут ва гўшт этиштириладиган зот ҳисобланади. Бу зот кўпроқ Фарғона водийси вилоятларида, Самарқанд, Жizzах, Тошкент, Сурхондарё вилояти хўжаликларида учрайди. Туси кулранг

Қорамол парваришилаш сирлари

Сигирларининг тирик вазни 480-550 кг., буқалар 800-950 кг. келади. Айримлари 1100 кг. бўлиши ҳам аниқданган.

Сигирлари соғин даврида ёғ миқдори ўртача 3,6-3,8% бўлган 3000-4200 кг. сут беради. Айримлари 9000-10200 кг. ва ундан кўпроқ сут беради. Баъзан сугидаги ёғ миқдори 4,7% га етади.

Олатов зоти. Бу зот ҳам сут ва гўшт етиштириладиган маҳаллий Қирғиз ва Қозоги сигирларни Швиц зот буқалардан қочириш натижасида ҳамда наслини бир-бири билан чатиштириб, танлаш, саралаш йўли билан яратилган. Бу зот Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида учрайди.

Сигирларининг тирик вазни 500-550 кг., буқалариники 950 кг. Соғин даврида ёғ миқдори 3,8-4,0% бўлган 2800-3500 кг. сут беради.

Бу зотта мансуб моллар ҳам Швиц зот каби кул ранг, баъзан тўқ жигар ранг ёки тўқmallа рангда бўлади. Рекордчи сигирлари 10300 кг сут беради. Серқаймок сут берувчи сигирлар сугидаги ёғ миқдори 4,8% ни ташкил қиласади.

Олатов зоти тоғ зонаси шароитига яхши мослашган.

Шундай қилиб, номлари юқорида қайд қилинган қўш маҳсулдор зотлар серсугт ёки гўштдорлигининг юқори даражада бўлиши билан ёки сут йўналишига, ёки гўшт йўналишига мансуб бўлади. Бинобарин, бу усул шартли равища ифодаланса-да, амалда уларни бонитировка қилиш ва умумий баҳолашда бу хусусияти эътиборга олинади.

СИГИРЛАРНИ БОҚИШ

Сигирларни боқишида уларнинг сут маҳсулдорлиги ҳисобга олинади. Бўғоз сигирларни боқишида уларнинг тирик вазни ва соғиб олинадиган сут миқдорига қаралади.

Бўғоз сигирларни боқишига алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки бу улар тукқандан кейин сут маҳсулдорлиги юқори бўлишига имкон беради. Тирик вазни 500-550 кг. ва сут маҳсулдорлиги 4000-6000 кг. бўлган сигирларга суткасига ўрта ҳисобда 6-8 кг. сифатли пичан, 10-15 кг. силос ёки сенаж, 7-8 кг. хашибек лавлаги, 2-3 кг. ем (ёки омикта ем), шунингдек, 100-150 гр. кальций ва 50-70 гр. ош тузи бериш керак. Лекин уларни илдизмевалар билан боқишида овқат ҳазм бўлиши сифатини назорат қилиб турish талаб этилади. Чунки айрим вақтларда кўп миқдорда берилган лавлаги уларнинг овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини сусайтиради.

Соғин сигирларни боқишида уларнинг сут маҳсулдорлиги даражага етгунича рацион сифати ва таркиби алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Айниқса, улар тукқандан кейин 2-3 кун мобайнида бундай тадбирларни қўллаш фойдали. Сигирларнинг сутини, айниқса, сутининг ёғини оширишда емнинг фойдаси катта. Бинобарин, норма асосида бериб боришга эътибор кучайтирилиши керак. Сигирлар қанча серсуг бўлса, уларга шунчак кўп ем бериш керак. Агар сигирлар сутдан чиқиш даврида ориқ бўлса, уларнинг рационини 1-2 озиқ бирлигига кўпайтириш тавсия этилади. Ҳар бир озиқ бирлиги ҳисобига қўшимча равишда 110-120 гр. ҳазм бўладиган протеин, 9-10 гр. кальций, 5-6 гр.

Қорамол парваришилаш сирлари

фосфор ва 40-50 мг. каротин бериш лозим. Акс ҳолда улар эмбриони суст ривожланади ва умумий физиологик ҳолатига путур етади. Соғин сигирларни боқищда улардан олинадиган сут ва ёғ микдорини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, улар организми учун зарур бўлган кимёвий элементлар микдори ва умумий озиқ бирлиги режалаштирилади.

Сигирлар рационидаги қуруқ модда микдори ҳар 100 кг.га ўртача 3,0-4,0 кг.ни ташкил этиши мумкин. Клетчатка сигирлар ошқозонида овқат ҳазм бўлишини нормаллаштиргани учун унинг микдори 18-24% гача (қуруқ моддага нисбатан) бўлиши мумкин.

Агар рацион таркибида кальций ортиб кетса, овқат ҳазм бўлишига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, протеин ва органик моддаларнинг, шунингдек, фосфорнинг ўзлаштирилиши сусаяди.

Сигир кўпроқ силос, сенаж ва илдизмевалар билан боқилганда улар рационида фосфор ва натрий микдори нормал бўлишига эътибор бериш лозим. Рациондаги озиқ турлари таркибидаги микроэлементлар микдорига ҳам аҳамият бериш керак.

Сигирлар гуруҳ усулида боқилганда бир хил рациондан фойдаланилса, уларнинг сут маҳсулдорлиги бир-биридан 1-3 кг.га фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун дағал озиқ ва силос уларга истаганича берилса, ем ва илдизмевалар каби озиқлар билан уларнинг серсуглигига эътибор берилгани ҳолда таъминланади.

Сигирларни боғламасдан боқищда боқиш нормаларини тахминан 8-10% га ошириш назарда тутилади. Бунда сигирлар ҳар 100 кг. тирик вазни ҳисобига 1,5 кг. атрофида беда пичани, 2-3 кг. хашибак, 2 кг. силос истеъмол қилиш ҳисобига олинади.

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

Софин сигирларнинг тўйимли моддалар, минерал ва биологик фаол моддаларга бўлган талаби 1 сутқада бир бошга:

Талаб этилади	Тана вазни, кг					
	400	450	500	550	600	650
Қуруқ модда, кг	12	12,5	13	13,4	13,8	14,2
Озуқа бирлиги	8,3	8,7	9	9,4	9,7	10
Ҳазм. протеин, г	780	818	846	884	915	940
Хом клетчатка, г	3400	3567	3690	3854	3977	4100
Крахмал, г	872	914	944	986	1010	1050
Қанд, г	626	644	666	696	718	740
Кальций, г	63	66	68	71	74	76
Фосфор, г	36	37	38	40	42	47
Ош тузи, г	56	58	60	63	65	70

Сигирларни боқишда уларнинг сут маҳсулдорлиги ҳисобга олиниши шарт. Бинобарин, лактация мобайнида соғиб олинган сут миқдорига кўра уларга бериладиган ем-хашиб нисбати қўйидагича бўлиши мумкин:

Сут миқдорига кўра озиқ турларининг тақсимланиши, фоиз ҳисобида

I-лактациядаги сутни	Дарал озиқлар	Серсув озиқлар	Кўк ўт (беда)	Омухта ем
3000	18	32	30	20
4000	14	29	27	30
5000	13	27	25	35

Қорамол парваришилаш сирлари

Хар килограмм сут учун тавсия этиладиган үртача ем микдори

Сигирларнинг суткалик үртача сути (кг)	1 кг сут учун сарфланадиган ем микдори (г)
10 кг.гача бўлганда	100 гача
10-15 кг	100-150
16-20 кг	160-200
21-25 кг	250-300
25 кг.дан ортиқ бўлганда	300-350

ЕМ-ХАШАК ТЎЙИМЛИЛИГИНИ ОШИРИШ

Софин сигирлар рационида оқсила бой озиқлар кўпроқ бўлиши керак. Кўп йиллик тажрибаларнинг натижаси ўлароқ, сигирлар рационидаги озиқлар таркибида протеин (оқсила) микдори талаб этилганига нисбатан 25-30% оширилса, биринчидан, уларнинг сути, 10% сут ёғи, 0,2-0,3% оқсила ҳамда сутидаги қуруқ моддалар 0,3-0,5% га ортади. Агар ем-хашакнинг сифати паст, унда протеин (оқсила) етарли даражада бўлмаса, у ҳолда сут 20%, ёғ ва оқсила 0,3-0,4%, қуруқ моддалар 0,7-0,9% га камайиб кетади. Лекин рационда оқсила жуда бой бўлган озиқлар микдорини кўпайтириб юбориш ҳам ижобий натижа бермайди. Айтайлик, бундай вақтда сигир ошқозонида озиқлар суст ачиыйди, сирка кислота ҳосил бўлиши камаяди, ичакларда шимилиши учун талаб этилган озиқ тайёр ҳолга келмайди, пировардида сутнинг ёғи ҳам камайиб, оқсилининг асосий қисми ахлати билан (фойдасиз ҳолда) ташқарига чиқиб кетади.

Сигирлар рационида лизин, фенилалалин, гистидин, метионин, аргинин, валин ва триптован

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

каби аминокислоталарнинг етарли бўлиши катта аҳамиятга эга. Чунки бу моддалар муҳим ҳаётий аҳамиятга эга эканлиги исботланган. Кейинги йилларда айрим илфор хўжаликларда моллар рационида оқсили етишмаса, ем-хашакка азот бўлган синтетик моддалар қўшиб берилмоқда, бу яхши натижа бермоқда. Жумладан, карбамид (мочевина), аммоний сульфат асосий синтетик моддалар ҳисобланади. Лекин бу усул қанча кенг қўлланилмасин, ҳайвонлар рационидаги табиий оқсилининг муайян қисмини тўлдиради, холос.

Карбамидан турли хўжаликларда турлича фойдаланилади. Масалан, ҳайвон учун талаб этиладиган карбамид суткасига икки ёки уч қисмга бўлингани ҳолда улар озиғига қўшиб берилади. Айрим хўжаликларда силос бостириш вақтида ҳам кўк массага карбамид қўшиб силослаш ёки майдалangan беда пичани ёхуд сомон каби озиқларга карбамид эритмаси сепилган ҳолда ивитиб, юмшатиб берилади. Бунинг натижасида ем-хашак таркибидаги протеин 4 марта кўпайган, бинобарин сутнинг оқсили 3,3% гача, ёғи 3,7% гача, қуруқ моддалари 12,6% гача ортганлиги аниқланган.

Ем-хашакнинг сифати ва таркиби

Софин сигирларга қанча кўп хилма-хил хашак берилса, уларнинг сути кўпайиши ҳаммага маълум. Лекин уларнинг тўйимлилиги, сигирларнинг маҳсулдорлиги, физиологик ҳолати ва кўпинча индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинмаганлиги сабабли маҳсулдорлик имкониятлари тўла рўёбга чиқарилмайди.

Маълумки, софин сигирлар истеъмол қилган ем-хашакнинг бир қисми сут ҳосил бўлишига


Қорамол парваришилаш сирлари

сарфланса, бир қисми организмда күч-қувват (энергия) ҳосил қилиш учун, яна бир қисми эса эхтимол улар эмбрионининг ривожланиши учун фойдаланилади. Масалан, бир йилда 8000 кг сут соғиб олинадиган сигир организмидан сут билан бирга 10 кг калий, 8,5 кг кальций, 7,5 кг осфор, 4 кг натрий, 3,5 кг олтингугурт, 1 кг магний ва турли моддалар ташқарига чиқарилиши аниқланган.

Шунинг учун ҳам сигирларга бериладиган ем-хашак мумкин қадар турли минерал моддаларга бой, сифатли ва тўйимли бўлиши керак. Бунда биринчи галда соғин сигирлар рационини улардан соғиб олинган сут таркибидағи оқсили ва ёғ миқдори оз-кўплигига қараб бойитиш мақсадга мувофиқдир. Соғин сигирлар сути кўпайиши билан бирга сути таркибидағи ёғ, оқсили, қанд ва бошқа моддалар ҳам анча кўпаяди.

Қишиш ва зрта баҳор ойларида сенаж, силос, пичан, илдизмевалар салмоқли ўрин эгалласа, ёз ва куз ойларида асосан кўк ўт (беда, сули пояси, суданўт, маккажўхори пояси ва ҳоказолар) рационнинг асосини ташкил этади. Лекин ем, қўшимча витаминалар, микроэлементлар, антибиотиклар, биологик препаратлар йил мобайнида сигирлар рационига эҳтиёжига яраша қўшиб борилиши лозим. Бу вазифа барча ҳўжаликларда зооинженер ва ветеринария врачларм томонидан назорат қилиб турилиши керак.

Сут ва гүшт маҳсулдорлиги



Сув ҳайвон ва ўсимликлар организмида муҳим физиологик вазифани бажаради. У организмда озиқ моддаларни бир жойдан иккинчи жойга етказишида воситачи бўлиши билан бирга, овқат ҳазм қилишида, тана ҳароратини бошқаришида, қолдиқ моддаларни ажратиб чиқаришида муҳим роль ўйнайди. Ем-хашак таркибида сув қанча кўп бўлса, унинг қиммати шунча паст бўлади. Илдизмевалар, кўк ўт, сут маҳсулотлари, пиво заводи чиқиндилари (барди)да сув кўп бўлади.

Қорамол парваришилаш сирлари

Озуқаларниң түйимлилиги (1 кг.да ўртача)

Озуқалар	Оз. бирлиги	Қуруқ модда, г	Протеин, г	Клетчатка, г	Қанд, г	Каротин, мг	Кальций, г	Фосфор, г
Беда личани	0,44	0,83	100	253	20	15	17	2,2
Турли ўтлар личани	0,44	0,85	56	257	10	15	8,3	2,0
Буғдой сомони	0,22	0,85	9	361	3	5	3,3	0,9
Пахта шелухаси	0,22	0,83	5	397	12	1,9	7	1,0
Макка сиюси	0,20	0,25	14	75	6	20	1,4	0,4
Беда сенажи	0,35	0,45	71	127	19	40	10	1,0
Қанд лавлаги	0,24	0,23	7	14	120	0,3	0,5	0,5
Хашаки лавлаги	0,12	0,12	9	9	40	0,1	0,4	0,5
Арпа, макка дони	1,15	0,86	85	49	2	0,3	2,0	3,9
Буғдой кепаги	0,75	0,85	97	88	47	2,6	2,0	9,6
Пахта шроти	0,89	0,90	329	124	65	1,0	4,1	10,1

Қуруқ моддалар асосан минерал (кул) ва органик бирикмалардан иборат. Минерал моддалар бирикмалари организмда муҳим физиологик вазифани бажаради. Масалан, улар

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

ҳужайраларнинг озиқ моддалар шимишида ва ўзлаштиришида, осмотик босимни сақлашда муҳим ўрин тутади.

Минерал моддалар икки гуруҳни (макро ва микроэлементларни) ташкил этади. Макроэлементлар кальций, фосфор, натрий, хлор, калий каби моддалардан ташкил топган. Микроэлементлар темир, мис, марганец, кобальт, йод ва ҳоказолардан иборат. Бу моддалар ҳайвон организми учун жуда муҳим ҳисобланади.

Органик моддалар азотли, азотсиз модда ва витаминалардан ташкил топган.

Азотли моддалар, яъни аралашмали протеин таркибида азот бўлса, оқсилсиз бирикмалардан иборат аминлар ҳисобланади. Ем-хашак таркибида протеин турли миқдорда бўлади. Масалан, дуккакли ўсимликлар поясида 15%, донида 25-30%, балиқ унида 50-60% атрофида бўлиши аниқланган.

Оқсили ҳайвонлар организмида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ем-хашак таркибида турли миқдорда учрайди. Масалан, кунжара ва шротда 30-45%, дуккакдош ўсимликлар донида 25-30% бўлиши аниқланган.

Азотсиз моддалар ёғлар ва углеводлардан ташкил топган. Ўсимликлар таркибида ёғлар оз (0,1-6%) миқдорда учрайди. Лекин таркибида ёғ моддаси бўлган ўсимликлар донида ва унинг чиқиндилари (кунжара, шрот)да у кўпроқ бўлади. Ёғ-мойлар ҳайвонлар организмида энергия манбай ҳисобланади.

Углеводлар асосан клетчатка (целлюлоза) ва азотсиз экстрактив моддалардан ташкил топган. Уларнинг ичидаги қимматлиси қанд ва крахмал ҳисобланади. Углеводлар ҳайвонлар организмида ёғ, гликоген, қон шакарига айланади.

Қорамол парваришилаш сирлари

Углеводларнинг кимёвий ўзгариши натижасида иссиқлик энергияси ажралиб чиқади ва организмнинг ҳаракати учун сарфланади.

Клетчатка ўсимликлар ҳужайраларининг пўсти ҳисобланади. Унинг ҳазм бўлиши ва организм томонидан ўзлаштирилиши анча мураккаб. Бинобарин, ўсимликлар таркибида клетчатка қанча кўп бўлса, унинг озиқлик қиммати шунча паст бўлади. Лекин барча турдаги ҳайвонлар (айниқса, кавш қайтарувчилар)нинг овқат ҳазм қилиш процессида клетчатка салмоқли ўрин тутади. Дағал озиқлар таркибида клетчатка кўпроқ бўлади. Масалан, бошоқли ўсимликлар поясида 35-45%, пичанда 22-33%, донда 2-10%. илдизмеваларда 0,8-1,7% клетчатка бўлиши аниқланган.

Азотсиз экстрактив моддаларнинг юқори даражада озиқлик қимматига эга бўлгани крахмал ва қанд ҳисобланади. Крахмал картошка, бошоқли ўсимликлар донида кўпроқ, уларнинг пояси ва баргида оз (2%) бўлади. Қанд лавлагида (24%), маккажўхори, оқжўхори ва полиз экинларида (қовун, қовоқ, тарвуз ва ҳоказоларда) кўпроқ, сутда кам (3-5%) бўлади.

Витаминалар ниҳоятда муҳим аҳамиятта эга. Улар етишмаса, ҳайвон ориқлайди, маҳсулдорлиги пасаяди ва турли касалликларга чалинади. Шунинг учун улар озигида витаминалар бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳозирги замон классификациясига кўра, ем-хашак, умуман, ҳайвон ва паррандаларга бериладиган озиқлар уч гуруҳга (ўсимликлардан тайёрланадиган, ҳайвон ва паррандалардан олинадиган ва минерал қўшимчалар) бўлинади. Кенг тарқалган қисми биринчи гуруҳ, яъни ўсимликлардан тайёрланадиган озиқлар

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

ҳисобланади. Уларнинг асосий турлари: кўк ўт, дағал озиқ (пичан, сомон), сенаж, силос, илдизмевалар, ун тортиш ва озиқ-овқат саноати чиқиндидаидан иборат.

Табиий ва сунъий ҳолда ўстириладиган барча турдаги ўсимликлар кўкат озиқ ҳисобланади. Масалан, ҳар хил ўтлар, бошоқли (арпа, сули, буғдой), дуккакли ўсимликлар (беда, нўхат, ловия), илдизмеваларнинг пояси, барги шулар жумласидан. Бу озиқ турлари баҳор, ёз ва куз ойларида чорва молларига кўпроқ берилади. Улар таркибида сув, протеин, каротин, витаминалар (А, Д, Е, С) кўп бўлиши билан қимматлидир. Булар ҳайвонларнинг ўсиши, ривожланиши, семириши ва маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Дағал озиқлар пичан, сомон, турли ўсимликларнинг (маккажўхори, фўзапоя, оқжўхори, кунгабоқар ва ҳоказо) пояси, сўтаси ва чиганоридан иборат. Мамлакатимизда чорва молларини озиқлантиришда улардан кенг фойдаланилади.

Пичан барча турдаги дағал озиқлар ичида кўпроқ фойдаланилади. Айниқса, беда пичани от, қўй ва қорамоллар учун муҳим озиқ ҳисобланади. Унинг кимёвий таркиби бедани ўстиришда қўлманилган агротехника тадбирларига ва шоналаш (гуллаш) вақтида ўриб олинишига, қуритиш ва сақлаш технологиясига боғлиқ. Бошқа турдаги барча ўсимликлар поясидан ҳам пичан тайёрланади.

Пичаннинг кимёвий таркиби унинг сифатига кўра турлича бўлади. Масалан, 4-26% протеин, 3-7% ёғ, 20-35% клетчатка, 28-49% БЭВ, 3-11% кулдан иборат. 1 кг. сифатли беда пичанида 0,5 кг. гача озиқ бирлиги бўлиши керак.

Ўт уни кўк ўтлардан, кўпроқ бедадан тайёрланади. Унинг 1 кг. таркибида 170-200 гр.

Қорамол парваришилаш сирлари

оқсил, 200-250 гр. каротин бўлади. АРАЛАШ ОЗИҚ ТАЙЁРЛАШДА У КЎП ИШЛАТИЛАДИ. У ҚОҒОЗ ҚОПЛАРДА САҚЛАНАДИ, КЎП ЖОЙ ЭГАЛЛАМАЙДИ. ЛЕКИН ОРАДАН 6-7 ОЙ ЎТГАЧ, УНИНГ ТАРКИБИДАГИ КАРОТИН КАМАЯ БОРАДИ. БУЗОҚЛАРГА УНИ ҚЎШИБ БЕРИШ ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

Ўт уни асосан АВМ-0,4 ва СБ-15 маркали қуригич агрегатларда тайёрланади. Бунда бир соатда 0,4 ва 1,5 т. масса 700-900⁰С да бир неча ўн сония ичида қуритилиб, майдаланиб, ун ҳолига келтирилади. Бинобарин, бу жараёнда унинг таркибидаги тўйимли ва қимматли элементларнинг 2-3% и камаяди. Умуман, ўт унининг 1 кг.да 0,7-0,8 гр. озиқ бирлиги, 80-130 гр. ҳазм бўладиган оқсил, 250 мг. каротин бўлади.

Сомон ўз хусусияти, таркиби ва қандай ўсимлик поясидан тайёрланганлигига кўра турлича бўлади. Масалан, кузги жавдар сомони таркибида 35-45% клетчатка, бугдой сомонида 10% дан 20% гача озиқ бирлиги ва 0,8 кг. ҳазм бўладиган оқсил бор.

Бошоқли ўсимликлар сомони таркибида 4-5%, дуккакли ўсимликлар сомонида 6-7% протеин бўлади. Унинг таркибида каротин, кальций ва фосфор каби моддалар оз миқдорда. Бинобарин, сомоннинг тўйимлилиги паст, ҳазм бўлиши қийин.

Сифатли пичан ва юқори сифатли сомонни молларга маҳсус ишловсиз бериш мумкин. Лекин сомон рационда салмоқли ўринга эга бўлмаса, унга маҳсус дастлабки ишлов бериш талаб этилади. Биринчидан, у майдаланади, ем ёки майдаланган илдизмевалар билан аралаштирилади. Ана шунда уни моллар иштаҳа билан ейди.

Сомон отлар учун 1,5 см., кавш қайтарувчи хайвонлар учун 2,5 см. узунликда қилиб

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

майдаланади. Жуда ҳам майдалаб юборилган сомон ҳайвонларда ҳазм қилиш органлари ишини сусайтиради. Иккинчидан, сомонни буғлаш керак. Бунда мөғорлаган, зах ерда қолган сомон зарарсизлантирилади, сифати яхшиланади, таъми оширилади.

Кузатишларга қараганда, юқори босимда буғлантирилган сомоннинг тўйимлилиги ва ҳазм бўлиш хусусияти деярли икки марта ошар экан. Учинчидан, сомон ўз-ўзидан қиздирилади. Бунинг учун деворлари нам ўтмайдиган қилиб ишланган маҳсус ўралар тайёрланади. Майдалангандан сомон ана шу ўраларга 20-30 см. қалинликда солиниб, кучсиз намакоп билан намланади (100 кг. сомонга 70-80 л. сув ҳисобидан) ва устига кепак сепилади. Шу тариқа бир неча қават қилиб ўра тўлдирилади. Унинг устига сим тўр, тахта ва ҳоказо қўйиб, оғир тош ёки бошқа оғирроқ нарса билан бостириб қўйилади. Орадан 3-4 кун ўтгач, сомон таркибида органик модда ва кислоталар ҳосил бўлади, натижада унинг мазаси ва ҳазм бўлиши яхшиланади. Тўртинчидан, кимёвий моддалар ёрдамида ишлов берилади. Бунда унинг тўйимлилиги 1,5 марта ортади. Ишлаб чиқаришда кўпроқ сода (Na_2CO_3), аммиакли сув ва сўндирилган оҳакдан фойдаланилади.

Сомонни ишқорлаш учун 2-3% ли Na_2CO_3 дан фойдаланилади ва аралашма 5-6 соат мобайнида тайёр бўлади. Сомонни молларга беришдан аввал тоза сувда чайилади. Оҳакли сувдан фойдаланишда майдалангандан сомон яшикларга солиниб, устидан иситилган сув қўйилади, сўнгра оҳакли сув эритмаси солинади. 3-5 кун ўтгач, масса тоза сув билан ювилади ва молларга берилади.

Аммиакли сувдан фойдаланишда маҳсус ўралар бўлмаса-да, ғарамлардаги сомон устига у яхшилаб

Қорамол парваришилаш сирлари

сепилади ва полиэтилен плёнка билан беркитиб қўйилади. 4-5 кун ўтгач, очилади ва аммиакнинг ҳиди тарқалиб бўлгач, молларга берилади. Бу усуслдан фойдаланганда ферма хизматчилари ҳимоя кўзойнаги, противогаз, фартук, кўлқоп ва резина этиклар кийиб олишлари мақсадга мувофиқ.

Республикамида пахта саноати корхоналарида ҳар йили чигитли пахтани тозалаш жараёнида ўртacha 20-25 минг тонна ўлик пахта чигити, 18-20 минг тонна янчилган пахта барги, 200-250 минг тонна чиқиндилар аралашмаси тўпланиб қолади. Бу чиқиндилар молларга берилса, ўртacha 25 млн. сўм даромад олиш мумкин.

* * *

Бу соҳада Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институтида кўплаб кузатишлар олиб борилган. Пахта саноати чиқиндилари кимёвий таркиби бўйича донли экинларнинг дала чиқиндилари ва пахта шулхасидан қолишмайди, органик кислоталар (шу жумладан, олма, лимон кислоталар) кўпроқ бўлади.

Ем дондан, ёғ-мой саноати чиқиндиларидан (кунжара, шротдан) тайёрланади ва биологик хусусиятларига кўра (ҳамма вақт бир хил даражада бўлмаса), тўйимлилиги ва яхши ҳазм бўлиши билан қимматли ҳисобланади.

Дон озиқлар турли бошоқли (сули, арпа, бурдой, маккажӯхори) ва дуккакли (соя, нўхат, мош, ловия) ўсимликлар дони ва ёрмасидан тайёрланади. Улар таркибида углеводлар ва крахмал кўп бўлади. Дон озиқлар тўйимли, оқсилга бой ва биологик қимматлилиги билан катта аҳамиятга эга.

Донни турли хилдаги чорва молларига ёрма - майдаланган ҳолда бериш фойдали. Чунки тез ва

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

тула ҳазм бўлади. Лекин ёрма ҳолига келтирилган дон кўпи билан 2-3 кун сақланиши мумкин, акс ҳолда унинг таркиби бузилади ва фойдаси камайиб кетади. Айрим вақтларда эса маҳсулот сифатини пасайтириб юборади. Шунинг учун молларга бериладиган донни олдиндан майдалаш керак.

Саноат чиқиндилари ҳам чорвачилиқда кенг фойдаланилади. Масалан, ун тортиш саноати чиқиндилари - дон ёрмаси, ун гарди, кепаги ва ҳоказолар, қанд саноати чиқиндилари - лавлаги турпи, пўстлори, ёғ-мой саноати чиқиндиси - кунжара, шрот; пиво заводи чиқиндилари - барди ва дон чиқиндиси, мева-консерва заводи чиқиндилари - дони, пўсти, барги, ўзаги ва ҳоказолар шулар жумласидан.

Кепак турли хил дон (буғдой, арпа, сули, ловия, шоли ва ҳоказолар)нинг пўстидан тайёрланади. Унинг тўйимлилиги ва ҳазм бўлиш коэффициенти сомонникидан юқори бўлади.

Сенаж озиқларининг энг самаралиси ҳисобланади. Намлиги 50-55% га келтирилиб сўлитилган ўтлардан тайёрланиб, майдалангандан герметик шароитда консервалаштирилган кўк масса сенаж дейилади. Сифатли қилиб тайёрланган сенаж пичанга қараганда гектарига қўшимча равишда 1000-1500 озиқ бирлиги беради. Сенаж таркибида углеводлар, ёғлар, протеин, минерал моддалар ва витаминалар кўпроқ сақланади. Молларнинг маҳсулдорлигини оширишда сенаж муҳим роль ўйнайди.

Сенаж тайёрлаш силос тайёрлаш технологиясига қисман ўхшаб кетади. Лекин ўсимлик массасида юз берадиган физиологик - биокимёвий процесслар силос бостиришдагидан кўра фарқ қиласи. Асосий фарқ шундаки, ўриб

Қорамол парваришилаш сирлари

олинган құқ масса намлигини тезда 40-55% га қадар камайтириш керак. Бу эса массани майдалашга қадар сүлітиш өзазига юз беради. Үсимлик намлигини құритиши шкафларида 105°C иссиқлиқда аниқлаш мүмкін.

Силос маккажүхори, оқжүхори думбуллигіда үриб олиб, майдаланган поя ва сүталаридан тайёрланади. 1 кг. сифатли силосда 0,20-0,25% озиқ бирилиги бўлади. Силос тайёрланадиган массанинг ўртача намлиги 70-75% бўлиши керак. Улар 4-5 см. узунилкда майдалаб бостирилади, зичланади ва ҳаво кирмайдиган қилиб шиббаланади. Силос бостиришда бетонланган траншея ва миноралардан фойдаланиш мүмкін. Силос барча турдаги чорва моллари учун қиши ойларида бериладиган асосий озиқлардан бири ҳисобланади.

Ҳайвон маҳсулотларидан тайёрланадиган озиқлар. Ҳайвон маҳсулотларидан бир неча хил озиқ (сут, сутдан тайёрланадиган маҳсулотлар, сут чиқиндилари ва ҳоказолар) тайёрланади. Шунингдек, күшзона чиқиндилари (қон уни, сұяқ уни, ҳайвон ички органлари), балиқ консерва заводлари, паррандачилик фабрикалари, инкубация станциялари, мүйна тайёрлаш хўжаликлари чиқиндилари ҳам құритилиб, ун қилинган ҳолда фойдаланилади. Сўнгги йилларда пилла ғумбаги, моллюскалар, сувда яшовчи бўғимоёқлилардан фойдаланиш ишлари синаб кўрилмоқда. Бу хилдаги озиқлар таркиби протеинга, витамин ва минерал элементларга бойлиги билан қимматлидир.

Сунъий усулда тайёрланган аралаш озиқлар. Карбамид, яъни синтетик мочевина кавш қайтарувчи ҳайвонлар рационида протеин миқдорини ошириш учун ишлатилади. Карбамид

Сүт ва түшт маҳсулдорлиги

таркибида азот моддаси оз бүлган ем-хашакка күшиб берилади.

Витаминылар препаратлар чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, саноатда маҳсус витаминылар кукун ва суюқ ҳолда тайёрланиб, чорва моллари озиғига аралаштириб берилади.

Антибиотиклар чорвачиликда кенг қўлланилади. Улар молларни касалликлардан саклашда, соғлигини мустаҳкамлашда, ёш моллар жадал ўсиши, ривожланиши ва семириши учун муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, пенициллин, биомицин, тетрациклин, синтомицин каби антибиотиклар кўп, стрептомицин, полимиксин, эритромицин, герамицин С, нистатин, неомицин, левомицин кабилар камроқ ишлатилади.

Аралаш озиқлар маҳсус рецепт асосида тайёрланади, бунда ҳар қайси турдаги ва маҳсулот йўналишидаги ҳайвонларнинг барча хусусиятлари ҳисобга олинади. Масалан, олимлар томонидан соғин сигирлар учун тайёрланган (60-4) рецепт қўйидагича: 20% ўт уни, 28% ёрма маккажӯхори ёки қора буғдой, 35% арпа ёки сули ёрмаси, 7% кунжара, 5% лавлаги турпи, 2,5% мочевина, 1,5% фторсизлантирилган фосфат, 1% ош тузидан иборат.

1 кг. аралаш озиқда 0,92% озиқ бирлиги, 165 гр. ҳазм бўладиган протеин, 10,5 гр. кальций, 6,8 гр. фосфор бўлиши мумкин. Шунингдек, аралаш озиқларга витаминалар ва темир моддаси, мис, рух каби микроэлементлар қўшилади.

Донадор (гранулаланган) озиқлар ўт уни, ем ва витаминалардан ҳамда турли хил минерал моддалардан тайёрланади. Улар куруқ сочма ҳолда бўлганилиги учун узоқ вақт сакланади, молларга механизмлар ёрдамида тарқатиш мумкин.

Қорамол парваришилаш сирлари

Брекитланган озиқлар пичан, сомон, кунжара, дон ва ҳоказолар аралашмасини майдалаб, прессланган ҳолда тайёрланади. Шунга кура, сақлаш учун жой талаб этилади. Қуруқ бўлганлиги учун узоқ вақт сақлаш ва механизмлар ёрдамида тарқатиш мумкин.

Озиқларни молларга беришга тайёрлаш

Ҳар хил озиқлар (сомон, пичан, кепак, картошка, илдизмевалар, дон, кунжара ва ҳоказолар)нинг тўйимлилиги ва ҳазм бўлишини яхшилаш мақсадида уларга турли усулларда ишлов берилади.

Сомон майдаланади. Қорамоллар учун 3-4 см., отлар учун 1,5-2,5 см. бўлиши керак. Молларга беришдан олдин унга кучсиз намакоб сепилади, сўнгра дон ёрмаси, барди, силос ва майдаланган илдизмевалар қўшиб, аралаштирилади. Айrim ҳолларда умумий миқдорининг 1-1,5% атрофида карбомид қўшилади. Маккажўхоридан силос тайёрлашда бир тонна кўк массага 5-6 кг. карбомид қўшилади. Бунинг натижасида силос таркибида ҳазмланувчи протеин миқдори 1,5-2 марта ортади.

Ачитқилар (хамиртуруш) ҳам ем-хашакни молларга беришга тайёрлашда салмоқли ўрин тутади. Масалан, кепак, дон ёрмаси, кунжара, шрот кабиларга ачитқи қўшилса, таркиби витамин, оқсил моддаларга бойийди, таъми яхшиланади. Агар 0,5-1 кг. хамиртурушни 5 л. сувда эритиб, 100 кг. қуруқ озиқقا қўшилса, у ҳайвонлар учун (айниқса, қорамоллар ва қўйлар учун) жуда яхши озиқ ҳисобланади.

БЎФОЗ СИГИРЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ

Сигирларнинг бўғозлик даврида модда алмашинуви кучаяди, чунки она қорнида ривожланаётган ҳомиланинг ўсиши учун кўп энергия сарфланиб, бу жараён бўғозликнинг охирги 2 ойи давомида янада жадал кечади. Шунинг учун сигирларнинг сутдан чиқарилган даври ўртача 60 кунни ташкил этиши зарур. Бу муддатнинг қисқартирилиши сигирлардан шу лактация давомида сут олишни кўпайтирса-да, кейинги лактация даврида маҳсулдорликнинг кескин камайиши ҳамда ҳомиланинг ривожланишига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин. Оқибатда бузоқлар нимжон, касалликларга чидамлилиги паст бўлиб туғилади.

Сигирларни сутдан чиқариш учун уларга берилаётган концентрат озуқалар ва ширали озуқалар тўйимлилиги паст, дағал озуқалар билан алмаштирилади. Шу йўл билан елинда сут ишлаб чиқарилиши камайтирилади. Сутдан чиқарилган сигирларнинг жуда семиришига, шунингдек, ориқлаб кетишига йўл қўймаслик керак. Сутдан чиқарилган бўғоз сигирларни кунига 2-3 км. юргизиш тавсия этилади.

Сутдан чиқарилган бўғоз сигирлар учун озиқлантириш меъёри бўйича 1 озуқа бирлигига 90-110 гр. ҳазмланувчи протеин, 80-100 гр. қанд, 40 мг. каротин, 7-8 гр. кальций, 4-4,5 гр. фосфор бўлиши керак.

Қорамол парваришилаш сирлари

Сутдан чиқарилған бүрзоз сигирларни түйимли моддалар, минерал ва биологик фаол моддаларга бұлған талаби (бир бошга 1 суткада):

Талаб этилади	Тана вазни, кг					
	400	450	500	550	600	650
Куруқ модда, кг	9,8	10,6	11,4	12,2	13,0	13,7
Озуқа бирлиги	6,4	7	7,5	8	8,5	8,9
Ҳазм. протеин, г	704	770	825	880	936	979
Хом клетчатка, г	2867	3136	3360	3584	3810	3990
Крахмал, г	688	750	802	856	908	952
Қанд, г	540	588	630	672	711	748
Кальций, г	60	65	70	75	80	84
Фосфор, г	35	37	40	42	45	48
Ош түзи, г	46	50	54	58	61	64

Озиқлантиришнинг қимматли эканини баҳолаш учун озуқа намуналари озуқалар тайёрланғандан сүнг ва ҳар партия озуқаларни ҳайвонларга беришдан олдин лабораторияларга юборилиб, уларнинг түйимлиги ва таркиби бүйича таҳлил қилиниши, кейингина ҳайвонларга берилиши лозим. Сутдан чиқарилған бүрзоз сигирларга таркибіда заһарлы моддалар сақловчы, мөгорлаган ва чириган озуқаларни бериш мүмкін эмас.

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

Софин сигирлар рациони (куз-қиши фасли учун):

Озиқалар тури	Массори, кг	Оз. бирлиги	Куруқ модда, г	Протеин, г	Клетчатка, г	КанаА, г	Кальций, г	Фосфор, г	Каротин, мг
Беда пичани	4	1,76	332	404	1012	80	68	88	196
Будой сомони	3	0,66	254	27	1053	9	99	27	15
Макка силоси	20	4	500	280	1500	120	28	12	800
Қанд лавлаги	5	1,2	115	35	70	600	25	25	15
Арпа ёрмаси	0,3	0,34	0,25	27	15	13	0,6	12	0,15
Будой кепаги	0,2	0,15	0,17	20	18	9	0,4	19	-
Пахта шроти	0,2	0,18	0,18	66	62	20	20	50	-
Макка ёрмаси	0,5	0,67	0,33	32	22	10	0,2	13	2
Жами		9,01	129	891	3738	874	112	584	1012

Серсугт сигирлар истеъмол қилган ем-хашакни юқори даражада сутга айлантира олиш хусусиятига эга, бинобарин, уларнинг озиқ рационига алоҳида эътибор берилмаса, улар тезда ориқлаб кетади.

Қорамол парваришилаш сирлари

**Сутдан чиқарылған сигирлар рациони
(куз-қиши фасли учун):**

Озуқалар	Микаори, кг	Оз. бирлиги	Күрүк мадда, г	Протеин, г	Клетчатка, г	Қана, г	Кальций, г	Фосфор, г	Каротин, мг
Беда пичани	3	1,32	2,49	303	759	60	510	6,6	147
Бұғдой сомони	4	0,88	3,40	36	1404	12	132	3,6	20
Макка сироси	12	2,40	3,0	168	900	72	168	7,2	240
Қанд лавлаги	3	0,72	0,69	21	42	360	15	1,5	0,9
Арпа ёрмаси	0,6	0,70	0,50	54	29	26	12	2,4	0,3
Бұғдой кеплаги	0,3	0,22	0,25	29	25	14	0,6	0,3	0,8
Пахта шроти	0,4	0,36	0,36	132	49	26	16	4,0	0,4
Жами		6,6	9,45	743	3179	580	859	486	408

БУЗОҚЛАРНИ БОҚИШ ВА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Бузоқларни боқиши ва парваришиң қилиш қорамол подасини соғлом, сермаңсул сигирлар ва юқори күрсаткычға зәға бўлган бақувват наслдор буқалар билан тўлдиришда муҳим аҳамиятга эга. Бузоқлар ҳар бир ферманинг йўналиши, етиштириладиган маҳсулот тури ва ишлаб чиқаришнинг аниқ мақсади ҳамда шароити ҳисобга олинган ҳолда боқиб, парвариши қилинади.

Биринчи усул - бузоқларни онасидан ажратиб боқиши. Бу усул барча сут-товар фермаларида

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

кўлланилади. Бунда бузоқлар туғилганидан сўнг 5-10 кун давомида онасининг оғиз сутидан баҳраманд бўлади. Сўнгра улар маҳсус катакларга олинади ва гуруҳлаб боқиласди. Оғиз сути биринчи марта бузоқлар туғилганидан кейин 1-2 соат ўтгач, 1-1,5 кг. миқдорида берилади. Уларни озиқлантиришдан олдин лаблари, бурун ва юзи яхшилаб артилади. Янги туғилган бузоқларга дастлабки кунларда оғиз сути маҳсус резинка сўргичлар ёрдамида кунига 5-6 марта берилса, сўнгра кунига 4 марта аниқ белгиланган вақтда (кун тартиби асосида) берилади. Бунда бузоқлар ҳамма вақт бир хил миқдордаги сутни якка ҳолда олиши мумкин. Бериладиган оғиз сути ёки соғиб олинган сутнинг ҳарорати 37°C , тоза ва сифатли бўлиши мақсадга мувофиқ.

Агар бузоқлаган сигирнинг елини касал бўлса ёки сутининг сифати талабга жавоб бермаса, у ҳолда бир вақтда тукқан ёки тувишига кўра бир-икки кунга фарқ қилган сигирларнинг сути ичирилади.

Бузоқларга туғилган куни 5-7 кг. атрофида оғиз сути ичирилиши яхши натижа беради. Беш кунлик бўлганида 6-10 кг.гача кўпайтириш мумкин. Биринчи беш кун ичида уларга 30-45 кг. оғиз сути ичирилса, яхши натижа беради.

Бузоқларни фақат сигир сути билан боқиш иқтисодий жиҳатдан унча кўп фойда келтирмайди. Бинобарин, уларни сунъий сут, серсув ва дағал озиқлар билан таъминлаш иқтисодий самарадорликка эришишда анчагина афзалликларга эга. Бундай тадбирларни бузоқлар туғилганидан сўнг учинчи декададан бошлиш лозим. Бунинг учун бериладиган сигир сутининг миқдори оз-оздан камайтирилиб, унинг ўрнига ёғи олинган сут ва сунъий сут миқдори кўпайтирилиб борилади.

Қорамол парваришилаш сирлари

Иккинчи усул - ажратиб эмиздириб боқиш. Бу энг қадимги усул бўлиб, бунда сигирни соғищдан олдин соғиш вақтида ва сут соғиб бўлингач, ёнига бузоги қўйиб юборилади. Сигири бўлган барча хонадонлар ҳам шу усулда бузоқ боқади ва парвариш қиласиллар. Бу усул ҳозирги вақтда хўжаликларда деярли қўлланилмайди.

Учинчи усул - бузоқларни эмизувчи бошқа (энага) сигирларга бириктириб боқиш. Бунинг учун оналаридан ажратиб олинган бузоқлар 2 тадан 4 тагача қилиб, машина ёрдамида соғишига яроқсиз ёки қари сигирларга бириктириб қўйилади. Бузоқлар ўз энагасини 2-3 ой мобайнида эмиб ўсади ва ривожланади.

Бириктириладиган бузоқлар сони энага сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боғлик. Эмизиш учун режалаштирилган сигирлар бир гурӯҳ, бузоқни эмизиш даври тугаши билан янги партия бузоқларни қабул қиласиди. Шундай қилиб, сут маҳсулдорлиги 3000-3500 кг. бўлган сигирлар бир лактация даврида 8-10-12 та бузоқни эмиздириб, улар бақувват ва соғлом ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Бу усул кўплаб хўжаликларда қўлланиб келинмоқда.

Тўртинчি усул - бузоқларни оналарига узлуксиз эмиздириб боқиш. Бу усул гўшт йўналишидаги қорамолчиликда қўлланилади. Бунда сигирлар деярли соғилмайди. Пода шароитида ёш бузоқлар 6-8 ойлик бўлгунича фақат онасини эмиб ривожланади. Агар талаб этилса ва сигир сути икки бузоқ учун етарли бўлса, бир сигирга иқкита ёш бузоқни ҳам бириктириб боқиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, бузоқларни боқиш, парвариш қилиш ва ривожлантириш усуллари ҳар бир хўжаликнинг маҳсулот йўналиши ва ишлаб

Сүт ва гўшт маҳсулдорлиги

чиқариш технологиясига кўра қўлланиши кўплаб ижобий натижа беради.

ЁШ МОЛЛАРНИ 6 ОЙЛИГИДАН 2 ЁШГАЧА БОҚИШ

Бузоқлар олти ойлик бўлганида эркаклари урочиларидан ажратилган ҳолда махсус хоналарда боқиласди. Бунда тўртта гуруҳ ташкил этиш назарда тутиласди.

Биринчи гурухда бузоқлар 9 ойлик бўлгунича боқиласди.

Иккинчи гурухда 9 ойлиқдан 12 ойлик бўлгунича боқиласди.

Учинчи гурухда 12 ойлиқдан 18 ойлик бўлгунича боқиласди.

Тўртинчи гурухда 18 ойлик ғунажинлар 2 ёш бўлгунича боқиласди.

Бузоқлар хўжаликда қабул қилинган усулага мувофиқ боғлаб ёки боғламасдан боқиласди.

Насл олиш учун мўлжалланган эркак бузоқларни ҳисобга олмаганда барча гурухдаги бузоқларга 8-9 ойлигидан бошлаб кўп миқдорда сомон, силос ва илдизмевалар бериб боқиш мумкин. Агар боғлаб боқиш усули қўлланса, бузоқларга суткасига уч марта ем-хашак берилади. Сувни автомат сугоргичлардан истаганича ичади. Бундай усулда, кўпгина хўжаликларда олиб борилган кузатишларга қараганда, бузоқлар соғлом, бақувват ва юқори маҳсулдор бўлиб ўсар экан. Уларга сунъий сут берилса, 180-200 кг. соғ сут тежалади.

Қорамоллар ўсиши ва ривожланишида ҳар килограмм семириши ҳисобига сарфлайдиган озиқ бирлиги миқдорининг ортиб бориши аниқланган.

Қорамол парваришилаш сирлари

Ем-хашакнинг сифати қанча паст, таркибида кимёвий элементлар, айниқса, протеин кам бўлса, молларнинг ҳар килограмм семириши учун шунча кўп озиқ сарфланади.

Бузоқлар соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши учун 1-6 ойлик бузоқларнинг ҳар 100 кг. вазни ҳисобига суткасига 12 гр., 6 ойлиқдан катта бузоқларга 10 гр.дан ош тузи берилиши лозим.

* * *

Бир ёшгача бўлган урғочи бузоқлар учун бир йилга 400 кг. ёри олинган сут, 450 кг. беда пичани, 1440 кг. сифатли силос, 290 кг. омихта ем, 1850 кг. яшил беда, 650 кг. яшил маккажўхори массаси ва 7,5 кг. ош тузи жамғарилиши керак.

Бир ёшдан катта урғочи таналарга бир йилга 450 кг. беда пичани, 925 кг. маккажўхори кўк массаси, 11 кг. ош тузи, бир бош фунаҗин учун бир йилга 450 кг. беда пичани, 180 кг. сомон, 272 кг. омихта ем, 12 кг. ош тузи талаб этилади.

Урғочи таналарнинг озуқавий моддалар билан таъминланиш даражаси уларда тана вазнининг ортишини аниқлаш билан баҳоланади. Урғочи таналарнинг тана вазни 6 ойлиқда ўртача 150 кг., 1 ёшда - 250, 18 ойлиқда - 350 кг. атрофида бўлиши лозим. Уларнинг уруғлантириш пайтидаги тана вазни онасининг тана вазнининг 75-85 фоизини ташкил этиши (ўртача - 340-350 кг.) мақсадга мувоғик. Урғочи таналарни парваришилашда уларни яйратиш (мацион) ташкил этилиши керак.

Подани тўлдириш учун ажратилган фунаҗинлар туғишига 2 ой қолгандан бошлаб алоҳида жойга ажратилиши, қўлга ўргатилиши ва ҳар куни бир-икки марта елиnlарини массаж қилиш лозим. Бу тадбирлар тукқандан кейин сут маҳсулдорлигининг 15-25 фоизга юқори

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

бўлишини таъминлайди. Фунажинлар туфишига 10 кун қолгандан бошлаб туфиш бўлимларига ўтказилади, туфиш пайтида ветеринария назоратида бўлади.

Фунажинларни түғдириш учун алоҳида тинч ва тоза жойлар танланиши, туфишга ёрдам кўрсатиш жихозлари билан таъминланиши керак. Туғилган бузоқнинг киндиги дезинфекцияловчи воситалар (йод настойкаси) билан ишланади. 15-20 кун онаси билан биргаликда сақланади. Бузоқ туғилгандан кейин онаси ялаб қуритгани маъқул, чунки онаси тили билан ялаганда теридаги рецепторларнинг таъсирланиши ҳисобига бузоқда эмиш ва оёққа туриш рефлекслари тезроқ пайдо бўлади.

Бузоқни эмизищдан олдин онасининг елин сўргичлари илиқ сув билан ювиб тозаланиши, қуритилиши, биринчи порция сут соғиб олиниши ва елиндан сифатли увиз сути келаётганлигига ишонч ҳосил қилиниши шарт. Бузоқларга увиз сутини иложи борича эртароқ, яъни туғилгандан кейин 0,5-1 соат ичида ичириш лозим, чунки увиз таркибида иммуноглобулинларнинг ичаклар орқали қонга сўрилиши фақатгина 36 соатгача давом этади.

Увиз сутини кечикиб истеъмол қилган бузоқлар диспепсия ёки бошқа касалликларга тез чалинувчан бўлади.

Бузоқларни онаси билан бирга сақлаганда сигирни кунига 3-4 марта соғиш мумкин, бунда бузоқнинг эҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим. Бузоқнинг сутга бўлган бир кунлик эҳтиёжи ҳаётининг биринчи 10 кунлигига ўртacha 4 литрни ташкил этади.

Сигирлар 15-20 кун давомида боласи билан бирга сақлангандан кейин ийдириш (раздой)

Қорамол парваришилаш сирлари

бўлимига ўтказилади, бу жойда унинг сут маҳсулдорлиги аниқланади, ветеринария кўригидан ўтказилиб, унинг соғлиги аниқлангач, сунъий усуlda уруғлантирилади ва бўғозлиги аниқ бўлгач, соғин сигирлар гуруҳига ўтказилади. Сигирлар учун сут бериш (лактация) даври ўртacha 305 кунни ташкил этади.

Сигирлар туфишига 2 ой қолганда сутдан чиқарилади ва алоҳида гуруҳда иложи борича боғламасдан парваришиланади. Сигирнинг сутдан чиқарилган даврида яхши парваришиланиши унинг соғлом, бақувват бузоқ бериши ва сут маҳсулдорлигининг юқори бўлишига замин яратади.

НАСЛДОР БУҚАЛАРНИ БОҚИШ ВА ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Наслдор буқалардан олинадиган уруғининг сифати уларни боқиши шароити ва усулига боғлиқ. Буқаларни боқишини сусайтириш ёки кучайтириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки кучли озиқлар билан ҳамма вақт тўйдириб боқиши ва мотион ташкил этилмаслиги улар танаси ва жинсий органларининг ёғ босиб кетишига олиб келади. Бунинг натижасида уруғ бериш хусусияти ёмонлашади. Ёки, аксинча, сифатсиз ем-хашак билан боқиши улар организмини бўшаштириб, қувватсизлантириб юборади. Бунинг оқибатида уруғининг сифати бузилади. Буқалар ориқлаб, касалликларга берилувчан бўлиб қолиши мумкин. Бинобарин наслдор буқаларни боқища илмий жиҳатдан асосланган прогрессив усувлар асосида рацион тузиши керак. У қуйидагича бўлиши мумкин. Масалан, буқалар қочириш даврида фойдаланилмаган тиним даврида уларнинг ҳар 100 гр. тирик вазни ҳисобига 1,1 озиқ бирлиги ва 110

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

гр. ҳазм бўладиган протеин бериш мумкин. Ёки уларни қочиришда фойдаланишга 100 кг. тирик вазни ҳисобига 1,3 озиқ бирлиги ва 140 гр. ҳазм бўладиган протеин режалаштириш яхши натижа беради.

Киш ойлари наслдор буқаларнинг ҳар 10 кг. тирик вазни ҳисобига 1-1,5 кг. беда пичани, 1-1,5 кг. илдизмевалар, 0,8-1 кг. силос бериш мумкин. Ҳар бир буқанинг ориқ-семизлиги ҳисобга олинган ҳолда 1 суткада 4 кг.дан 8 кг.гача ем бериш мумкин.

Барча хўжаликларда ва сунъий қочириш пунктларида боқилаётган буқалар рационига (уруг олиш даврида) 3-4 кг. сабзи 300-400 гр. майдалангандон (арпа, сули, буғдой) 150-200 гр. хамиртуруш киритиш тавсия этилади.

Ёз ойларида наслдор буқаларни яйловларда боқишиш, кўпроқ ҳаракат қилдириш, талаб этилган вақтда ем, минерал қўшимчалар бериш тавсия этилади. Ўзбекистон шароитида ёзning иссиқ кунлари молларни 3-4 марта, ҳатто 5-6 марта гача сугориш ҳамда салқин, лекин нам ва зах бўлмаган тоза жойда дам олдириш яхши натижа беради.

Парвариш қилиш ишлари барча фаслларда узлуксиз амалга ошириб борилганда наслдор буқалардан 10-12 йил ва ундан ҳам узоқроқ фойдаланиш мумкин.

ҚОРАМОЛЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ

Қорамоллардан олинадиган асосий маҳсулот сут ва гўшт ҳисобланади. Тери, ички органлари, жуни, шохи ва туёқлари қўшимча маҳсулотdir.

Қорамоллар маҳсулотининг миқдори ва сифати фақат зотлараро фарқланмай, ҳатто зот ичида

Қорамол парваришилаш сирлари

ҳам маълум ўзгаришларга эга, кўплаб сифатли ва арzon маҳсулот етиштириш кўплаб омил ва тадбирларга боғлиқ. Қуйида улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги

Серсугт сигирларнинг биологик хусусиятлари. Биология фанидан маълумки, ҳар бир органнинг тузилиши ва шакли унинг бажарадиган функциясига чамбарчас боғлиқ. Масалан, сигирларнинг курак тиши ўткир қиррали бўлгани ҳолда ўсимликни узиб олса, юза қисми кенг ва яссилашган озиқ (жаф) тишлари уни майдалайди. Серсугт сигирларнинг сут безлари олиб кўрилса, уларда сут бези тўқимаси ва унинг миқдори бириктирувчи тўқимага кўра деярли икки марта кўпроқ бўлиши аниқланган. Камсугт сигирларда эса бунинг аксини кўриш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, серсугт сигирларнинг елини катта, йил сайин у янада катталашиб бориш хусусиятига эга. Айрим сигирларнинг елини катта бўлса ҳам, сути кўп бўлмаслиги мумкин. Чунки бунда сут бези бириктирувчи тўқимадан иборат бўлади. Бундай елиндан сут соғиб олингач, унинг ҳажми янада кичрайди, у юмшоқ, хамирсизон бўлади.

Сигирлар елинининг шакли турлича бўлади. Бу унинг қоринга бириктириб турувчи боғловчилар ҳолатига боғлиқ. Юқори кўрсаткичга эга бўлган елин бўртиб чиққан, катта, олд қисми қоринга тақалган, туби текис-горизонтал ҳолда бўлади.

Елиннинг ҳар бир палласи бир-бирига teng, улар оралиғида чуқурлик ёки бўртмалар бўлмаслиги керак. Сўрғичлар цилиндр ёки бир оз конуссимон, лекин унча йўғон, ингичка, узун

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

ёки калта бўлмаслиги керак, акс ҳолда бундай сўрғичлар машинада соғишига ярамайди. Масалан, сўрғичларнинг узунлиги 7-8 см., эни 2-3 см., бирбиридан узоқлиги ўртача 10-15 см. бўлса, нормал ҳисобланади.

Айрим сигирлар елинининг иккита палласи анча чўзиқ, сўрғичлари олд томонга қараб қийшайган бўлади. Баъзан сўрғичлари ҳар хил катталикда ёки улардан бирортаси ривожланмасдан қолган бўлиши ҳам мумкин. Сигирларнинг бундай хусусияти наслдан-наслга ўтади, бу камчиликни йўқотиб бўлмайди.

Сигир сутининг аҳамияти

Сигирларнинг сути уларнинг энг қимматли, асосий маҳсулоти ҳисобланади. Сигирлар сути мазали, серқаймоқ бўлиб, киши меъдасига тегмайди. Шу билан бирга, сут инсон учун энг қимматли озиқ ҳисобланади. Айниқса, ёш болалар, қариялар ва айрим касалликларга чалинган кишилар учун сутни бошқа озиқ билан алмаштириб бўлмайди.

Бундан ташқари, сутдан хилма-хил сут маҳсулотлари тайёрланадики, инсон ҳаётида улар салмоқли ўрин тутади. Масалан, сариёғ, қатик, қаймоқ, кефир, простокваша, ряжинка, творог, пишлок, бринза ва бошқалар.

Сутнинг серқаймоқ бўлишига таъсир этувчи омиллар

Сутнинг серқаймоқлиги сигир туққан куни ва соғиши муддатига ҳам боғлиқ. Одатда, сигирлар туққан кундан бошлаб 300-350 кун мобайнида соғилади.

Қорамол парваришилаш сирлари

Тажриба ва кузатишлардан маълум бўлишича, сигир сутининг серқаймоқлиги биринчи ойдан камаяди, сут бериш даврининг иккинчи ва учинчи ойида камаяди. Учинчи, тўртинчи ойдан бошлаб сутнинг қаймоғи аста-секин кўпая бошлиди, ўнинчи ойга бориб, айниқса, сутдан чиқариш арафасида энг юқори даражага етади.

Сутнинг серқаймоқ бўлишига таъсир этувчи омиллардан бири сигир соғиш усули ва вақти ҳисобланади. Бундан ташқари, соғувчиларни тез-тез алмаштириб туриш ҳам сигирларнинг сути ва серқаймоқлигига салбий таъсир кўрсатади.

Сутнинг серқаймоқ бўлишининг яна муҳим омилларидан бири улар елинидаги сутни мумкин қадар тўла, сўнгги томчиларигача қолдирмасдан соғиб олишдир. Маълумки, сутнинг дастлабки соғиб олинган порциялари анча суюқ, ёғ микдори оз (1,5-2,5%) бўлса, соғиб олинадиган сўнгги қисмида ёғ 10-12% ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши аниқланган. Шунинг учун ҳам сигирларни тоза соғиш, сут тушмай қолганда елинини массаж қилиш ва соғишни давом эттириш мақсадга мувофик.

Сут серқаймоқ бўлишининг яна бир омили – сигирларни сифатли ем-хашак билан таъминлаш ва парвариш қилиш. Тажрибалардан маълум бўлишича, сигирларни сифатли ем-хашак билан тўғри боқиши, танасини ўз вақтида парвариш қилиш, очик ҳавода яйратиш уларнинг сутини кўпайтирмасдан, балки сутидаги ёғ микдорини оширади. Агар соғин сигирлар тўйиб озиқланмаса, ем-хашакнинг сифати яхши бўлмаса, уларнинг танаси кунига тозаланмаса, улар очик ҳавода яйратилмаса, улардан олинган сут суюқ, сифатсиз ва кам бўлиши кузатилган.

Сутдаги ёғ майда ёғ доначалари бирлашмасидан ҳосил бўлади. Улар қанча кўп ва йирик бўлса, сут

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

шунча серёғ-серқаймоқ бўлади. Маълумки, ёғ сувга нисбатан енгил, шу сабабли сут таркибидағи ёғ парчалари унинг юз қисмига чиқади. Бунда йирик доначалар тезроқ, ўртачалари бироз кейин, энг кейин майдалари сут юзасига кўтарилади, унда маълум қалинликдаги ёғ қатлами ёки қаймоқ хосил бўлади.

Сутнинг қайморини олишда сеператордан фойдаланилади. Лекин сеператордан ўтказилган, ёғи олинган сут таркибида ҳам ўртача 0,1% ёғ бўлади. Шунинг учун бундай сут бузоқларга, паррандаларга ичирилади, чунки унинг таркибида сут шакари, оқсили, витаминлар, ферментлар, минерал туз эритмалари ва бошқа биологик фаол моддалар сақланиб қолади, организмга шифобахш таъсир кўрсатади.

Сут таркибининг йил фаслларига қараб ўзгариши

Сигир сути ва унинг таркиби йил мобайнида бир хил бўлмасдан, маълум даражада ўзгариб туради. Бунга жуда кўп омиллар таъсир этади, улардан энг муҳими ҳар фаслда ўзига хос ем-хашак берилиши, об-ҳавонинг турлича бўлишидир.

Қиши ойларида сориб олинадиган сут ёздагига қараганда 0,2-0,5% кам бўлади ёки баҳор ойлари соғин сигирлар туллаган вақтда сут микдори 0,2-0,4% га, сут ёғи 0,2-0,5% га камаяди.

Сутдаги қуруқ моддалар баҳор (март ва апрель) ойларида камайса, куз ойлари (октябрь, ноябрь)да кўпаяди. Сутдаги ёғ ва оқсили моддалар микдори ҳам шу каби ўзгариб туради.

Ёзда туққан сигирларга нисбатан қишида туққан сигирларнинг сути кўпроқ бўлади.

Қорамол парваришилаш сирлари

Масалан, Қора-ола зот сигирлар 300 кунлик лактация даврида ёзда түкқанларига қараганда 715,4 кг. ёки 23,4% күп сут берган. Бушуев зот сигирларда эса бу фарқ 371,9 кг. ёки 14,2% ни ташкил этган.

Ўзбекистон шароитида йил фасли фақат сигирларнинг сут миқдорига таъсир кўрсатиш билан чекланмай, унинг таркиби ўзгаришига ҳам сабаб бўлади. Масалан, қиши ойларида түкқан сигирларнинг сути турли кимёвий моддаларга бой бўлиши билан бирга калорияси ҳам юқори бўлади. Аниқроғи, қишида түкқан Қора-ола сигирлар сугида ёғ миқдори ёзда түкқан сигирларникига қараганда 35 кг.га ёки 26% га кўп бўлиши аниқланган.

Ёз ва баҳор ойларида түкқан сигирларникига қараганда, қиши ва куз ойларида түкқан сигирларнинг сути кўпроқ ва таркиби турли моддаларга бой бўлади. Лекин бундай сигирлардан қиши ойларида бузоқ олиш керак, деган холоса чиқмайди. Халқимизнинг сут ва сут маҳсулотларига бўлган талаби йил бўйи бир хилда тўла таъминлаши керак.

Ёзниң жазирама иссиқ кунлари барча сигирларнинг сутига ҳам, унинг серқаймоқлигига ҳам салбий таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ёз ойларида соғин сигирларнинг салқин, сершабада жойларда, усти берк ва атрофи очиқ шийлонларда боқиши, кунига чўмилтириш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги вақтда республикамиздаги кўпгина илғор хўжаликларда (жумладан, Фарғона водийсидаги кўплаб фермаларда) бу усуудан унумли фойдаланиш натижасида ёзда сигирларнинг соғлигини сақлаш, физиологик ҳолатини яхшилаш, сутини кўпайтириш ва сифатини ошириш борасида катта ютуқларга эришилмоқда.

Сигирлардан тоза ва сифатли сут соғиб олиш тадбирлари

Сигирларни тез ва тоза соғиши учун уларни қандай асраш ва боқищдан қатъи назар, қўйидаги тадбирларга риоя қилиш талаб этилади:

1) соғиши стаканларини кийдиришдан аввал сўргичлар ва елинни сув билан тоза қилиб ювиш ва артиш керак. Бу тадбир фақат тоза сут соғиб олиш учун эмас, балки сигирни тоза соғиши учун ҳам катта аҳамиятга эга. Елинни массаж қилишга алоҳида эътибор бериш лозим. Елинни ювиб, артиш учун (соғиши стаканларини кийдиргунча) сарфланган вақт 50 сониядан ошмаслиги керак. Бинобарин, бир неча сигир елинини бир вақтнинг ўзида ювиш ярамайди. Чунки бу тадбир ишни тезлаштириш ўрнига соғиб олинадиган сут микдори камайиши ва сигирларнинг сут бериш тезлиги пасайишига сабаб бўлади;

2) соғиши жараёнида аппаратлар ишини назорат қилиб туриш, айниқса, соғишнинг сўнгги қисмида назоратни кучайтириш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир сигирни соғишнинг сўнгги қисмида назоратни кучайтириш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир сигирни соғиши учун 5-7 дақиқа вақт сарфлаш керак;

3) соғиб олинаётган сут тутай бошлиши билан елинни сўнгги марта массаж қилиш керак. Бунинг учун бир қўлда соғиши стаканлари билан бирга коллектор бир озгина олд томонга ва паст томонга тортилиши, бу жараён ўртacha 15-20 сония давом этиши, иккинчи қўл билан елинни массаж қилиш яхши натижа беради. Соғиши стаканларининг сўргичларда узоқ вақт қолиб кетиши елиннинг жароҳатланиши ва мастит билан касалланишига

Қорамол парваришилаш сирлари

сабаб бўлади, шунинг учун сут соғувчи операторлар сигирларни машинада соғаётганда назоратини кучайтиришлари талаб этилади.

Сигирларни қўлда соғиш

Сигирлар қўлда икки усуlda: биринчisi - бармоқлар билан, иккинчisi - кафт билан соғилади. Бармоқлар билан соғилганда сўрғичнинг юқори қисмидан кўрсаткич ҳамда бош бармоқ ва бошқа бармоқлар билан сўрғичнинг сўнгги қисмiga қадар сиқиб сут чиқарилади. Бу усулинг асосий камчилиги соғиш жараёнида сигирнинг елини бир оз оғрийди, сўрғич канали ички деворидаги нозик шилимшиқ қават жароҳатланишига сабаб бўлади. Натижада бу канал торайиб, сут ажралиб чиқиши секинлашади.

Кафт билан соғилганда елиндаги сут анча осон ва жадал ташқарига чиқади. Бунда сигир оғриқ сезмайди. Шу билан бирга, соғувчи учун ҳам қулайлик туғилади. Масалан, соғища куч барча бармоқларга, умуман, кафтга бир меъёрда тушади. Бунда сўрғични кафтга тўла жойлаштирган ҳолда соғилади, бармоқлар юқоридан пастга қараб кафт томон ўз ҳаракатида давом эттирилади.

Сигирларнинг тоза соғилиши соғиш суръатига ҳам боғлиқ. Бунда соғиш суръати бир хил бўлиши ва сўрғич дақиқасига 80-100 марта сиқилиши яхши натижка беради. Агар соғиш суръати пасайса, соғиш муддати чўзилиб кетади, сигирнинг сут бериш фаоллиги пасайиб, елинда маълум даражада сут қолиши мумкин.

Сут ва гүшт маңсулдорлиги

Сигирлар 1 соатдан соғилғанда берадиган сутнинг микдори (Кинцел маълумоти)

Соғиш усуллари	Сигирлар сони	Соғилған сут (кг)
Құл билан соғилғанда	8	50
Икки сочин-аппарат билан соғилғанда	14-16	90-100
Сут ўтказувчи найга соғилғанда	25-30	190-180
Карусел маркали аппарат билан соғилғанда	35-40	250
Арча маркали аппарат билан соғилғанда	40-50	120-300

Сигир териси турли шароитда парвариш қилинганды сутдаги бактериялар сони (1 мл сут таркибида):

Парвариш қилиш шароити	Биринчи змчак	Иккинчи змчак	Учинчи змчак	Тұрткынчи змчак
Сигир 4 кун зарурий қаровсиз қолғанда	620	1650	700	4500
2 кун давомида елини қатый парвариш қилингач, змчак тешілкілары колloidий билан беркитилган	22	12	15	3
Елини яна 1 кун қаровсиз қолғанда	120	250	63	180

Сигир соғишдаги санитария қоидалари

Сигир соғиши вақтида сутнинг микроорганизмлар билан ифлослангани ва елинда ҳамма сутни соғиб олинганига эътибор бериш лозим. Сифатли сут етказиш фақат қишлоқ хўжалиги ходимларининг эмас, балки сут саноати ишчиларининг ҳам вазифасидир.

Сут соғиши ва сутни сақлаш ишини фақат соғлом кишиларгина бажариши лозим. Шунинг учун улар ҳар ойда бир марта врач назоратидан ўтишлари керак. Терисида яра бўлган шахслар ва юқумли касаллик билан оғриган ишчилар сут соғиши ва сутни қайта ишилаш ишларидан тезда четлаштирилиши шарт.

• • •

Зараарли пашшаларга қарши курашиш ишига кўп жойларда ҳозирги кунгача ҳам жуда катта аҳамият берилади, ҳолбуки пашша кўп ҳолларда кишиларнинг саломатлигига заар берадиган турли микроорганизмларни ташиб юради. Ҳар бир пашша танасида 1,5 дан 2 миллионгacha микроб бўлади. Шунинг учун молхоналарга 0,25% ли хлорофос эритмаси сепиш керак. Деразаларга сим тўр тутиб, ундан кучсиз ток ўтказиш лозим.

Санитария қоидалари талабларига мос келмайдиган, чанг молхоналарда соғилган ифлос ва қайнатилмаган идишлар ҳамда иссиқда ($+15^{\circ}\text{C}$ – $+20^{\circ}\text{C}$) сақланган сут оддий ифлосланиши (чанг, чўп ва ҳоказолар тушиши) билан бирга, бактериялар ҳам уни соғлик учун мутлақо ярамайдиган ҳолга келтириши мумкин. Фақат соғлом сут соғувчи томонидан озода ва қулай

Сут ва гўшт маҳсулорлиги

молхоналарда соғлом сигир, қўй, бия ва туялардан соғиб олинган сут тоза, сифатли бўлади.

СИГИРЛАРДАН УЗОҚ МУДДАТ ФОЙДАЛАНИШ ТАДБИРЛАРИ

Сигирлардан узоқ муддат фойдаланиш сут етиширишни кўпайтиришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Қариб қолган сигирлар гуштга топширилмасдан қочирилса, республикамиз бўйича бир йилда қўшимча 2-3 миллион бузоқ ва 3 миллион тоннадан ортиқ сут соғиб олишга эришиш мумкин экан.

Хўш, соғин сигирлардан фойдаланиш муддатини қандай қилиб узайтириш мумкин? Қандай тадбирлар амалга оширилса, сигирлар қариб қолганида ҳам туғиш хусусиятини йўқотмайди.

Сут-товар фермаларида барча соғин сигирлардан фойдаланиш муддатини узайтириш, улардан кўплаб сифатли сут ва соғлом бузоқ олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, биринчидан, сигирларни бутун ҳаёти мобайнида яхши боқиш, асраш ва зоогигиена қоидлари асосида парвариш қилиш ишларига алоҳида эътибор бериш керак. Иккинчидан, сигирларни шошма-шошарлик билан яроқсизга чиқариб юбормай, иложи борича, уларнинг потенциал имкониятларидан фойдаланиш зарур. Учинчидан, турли касалликларга учрамаслиги учун уларни ўз вақтида эмлаш, дорилаш, тозалаб туриш каби зооветеринария қоидларига риоя қилиш зарур.

Сигирлардан узоқ вақт унумли фойдаланишнинг яна бир муҳим омили хўжаликларда наслчилик ишларига, ҳайвонларни танлаш ва саралаш тадбирларига алоҳида аҳамият

Қорамол парваришилаш сирлари

беришдан иборат. Бинобарин, бу соҳада барча зоотехник ва зооинженер мутахассислар масъулият билан ишлишлари талаб этилади.

Хўжаликларда маҳсулдор, чидамли ва узоқ яшай оладиган сигирлар етишириш учун уларни бузоқлик давридан (ёшлигидан бошлаб) тўғри боқиш, парвариш қилиш, организмини чиниктириш лозим.

СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

Сутни қайта ишилаш деганда бажарилиши керак бўлган тўрт жараён назарда тутилади, яъни соғиб олинган сутни сузиш, совутиш, сақлаш ва пастерлаш, шунингдек, айrim вақтларда сутни музлатиш. Демак, сутни қайта ишилаш - унинг дастлабки табиий хусусиятларини сақлаб қолишга қаратилган тадбирлар комплексини амалга ошириш.

Соғиб олинган сутга хўжаликнинг ўзида дастлабки ишлов берилса, бу сут давлат завод ва пунктларига топширилгач, иккинчи марта ишловдан ўтказилади. Сут заводларида сутдан турли маҳсулотлар тайёрланиб, савдо корхоналарига жўнатилади. Бу маҳсулотлар ичиде сариёғ, пишлок, творог, кефир, сузма, қатик, қаймоқ, кабилар муҳим ўрин тутади.

Сутни пастерлаш ва стериллаш

Пастерлаш деб сутни 63 ҳароратдан то қайнаш даражасигача иситишга айтилади. Пастерлаш жараёнида сут таркибида мавжуд бўлган микробларнинг 99 фоизи нобуд бўлади. Ҳозирги вақтда пастерлаш тўрт хил усуlda олиб борилади:

1-усуда сут 30 дақиқа давомида 63-65 ҳароратда сақланади, бунга узоқ муддатли пастерлаш дейилади.

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

2-усуда сут 10-15 сония мобайнида 70-74 ҳароратгача иситилади, бунга қисқа муддатли пастерлаш деб аталади.

3-усул бир онда ёки жуда тез пастерлаш ҳисобланади, бунда сут 85-87 ҳароратгача иситилади. Лекин у шу температурада сақланмайди.

4-усуда сут 95-97 ҳароратда пастерланади ва 10 дақиқа модайнида шу температурада сақланади. Бу усул кўпроқ ачиған сут учун қўлланилади.

Сутни қайнаш даражасидан юқори бўлган температурада иситиш стериллаш дейилади. Лекин бу усул хўжаликларда кам қўлланилади.

Сутнинг қайнаш даражасигача иситилиши уни пишириш ҳисобланади, бу усул барча оиласлар ва хўжаликлар тажрибасида кенг қўлланилади. Аммо бу усуда сут таркибидаги инсон организми учун зарур бўлган кўп витаминалар, ферментлар, минерал ҳамда органик моддалар парчаланиб, у ижобий хусусиятини йўқотади.

ҚОРАМОЛЛАРИНИНГ ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Мол гўшти мазали бўлиши билан бирга, истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ичида салмоқли ўрин тутади. Гўштнинг тўйимлилиги унинг таркибидаги оқсил ва миқдори, калориясига борлиқ.

Молнинг нимталанган гўшти таркибида тўйимлиги жиҳатидан унча юқори бўлмаган пай, тоғай ва суяқ тўқималари ҳам бўлади. Демак, семизлигига кўра мол нимтасининг салмори тирик вазнининг 51-63% ни, ёф 2-14% ни ташкил этса, суяклар 20% атрофида бўлади.

Мол гўштининг умумий калорияси молнинг ориқ-семизлигига, ёшига, жинсига, физиологик

Қорамол парваришилаш сирлари

холатига, боқиши усули ва ҳоказоларга боғлиқ бўлгани ҳолда 1 кг. гўштда ўртача 1800-2200 килокалория бўлиши мумкин.

Турли семизликдаги мол гўштининг таркиби ва калорияси

Таркиби ва калорияси		Молларнинг семизлик даражаси			
		орд	ўртача	семиз	жуда семиз
Морфологик таркиби (%)	Лаҳм гўшти	60,8	59,9	56,5	52,1
	Ени	3,30	10,3	16,1	23,1
	Суяги	21,90	17,5	15,7	16,2
	Пайлари	14,0	12,3	11,7	9,6
	Сув	74,4	67,3	61,6	58,5
	Оқсили	21,0	21,0	19,2	17,6
Химиявий таркиби (%)	Еғ	3,5	10,7	18,3	23,0
	Минерал моддалар (кул)	1,1	1,0	0,8	0,9
Калорияси (килокалория)		1210	1810	2490	2850

Жадвалдан кўриниб турибдики, ориқ моллар гўштида ёғ 3,5% бўлса, юқори семизлик даражасига етказилгач, у 23% гача кўпади. Пайлар ориқ молларда 14,0% бўлса, юқори даражадаги семиз молларда 9,6% ни ташкил этади.

Кимёвий моддалар лаҳм мол гўштида турли миқдорда учрайди. Масалан, мол қанча семиз бўлса, унинг гўштида сув (58,5) ва оқсили (17,6%) камайиши билан ёғ миқдори (23,0%) ва калорияси (2850 ккал.) шунча кўпаяди.

Барча гўштдор зотлардан (Қозоқи, Оқбош, Санта-гертруд, Абердин-ангус, Герефорд, Қалмоқ, Шароледан) сифатли гўшт маҳсулотлари етиширилади. Етишириладиган гўштининг сифатини моллар тирик вақтида ҳам чамалаш йўли билан аниқлаш мумкин. Бунда уларнинг семизлиги, сон қисмининг гўштдорлиги, елка йўналишининг текис ва кенглиги ҳамда танасининг умумий кўринишига эътибор берилади.

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

Бундан ташқари, молнинг гўштдорлик хусусиятини ифодалаш учун сўйилгач, тортиш ва ҳисоблаш усулидан фойдаланилади. Бунинг учун уларнинг иккита кўсаткичи, яъни сўйим вазни ва сўйим чиқими ҳисобга олинади.

Сўйим вазни сўйилган молнинг боши, териси, ичак-чавоқлари ва бақайларидан (олдинги оёқлари кафт усти бўғимидан, кейинги оёқлари эса сакраш бўғимидан олиб ташланганидан сўнг) ташқари қолган нимтасининг вазнидир. Сўйим вазни килограмм ҳисобида ифодаланади.

Сўйим чиқими гўшт нимталари билан ички ёғ микдори қўшилмасининг молни сўйишдан олдинги тирик вазнига бўлган нисбатидир. Сўйим чиқими фоиз билан ифодаланади.

Сўйим чиқимини тўғри аниқлаш учун қуийдаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$C \frac{\Gamma_h + E_o}{T_b} 100$$

Бунда: С - сўйим чиқими; Г_h - гўшт нимтасининг вазни; Е_o - ички ёғнинг вазни; Т_b - сўйишдан олдин тирик вазни.

Мол гўшти нимтадаги бошқа тўқималардан ажратиш усули ва даражасига кўра, бир неча гурухга бўлинади, яъни суякли гўшт ёки гўшт нимталари; лаҳм гўшт ёки суяқдан ажратиб олинган гўшт; қора гўшт ёки ёғ, пай, тоғай ва лимфа томирларидан тозаланган гўшт шулар жумласидан.

Гўштнинг асосий қисми мускул тўқималаридан иборат бўлгани ҳолда, у ёш молларда анча нозик, тез пишадиган ва яхши ҳазм бўлиш хусусиятига эга. Қари молларнинг гўшти анча қаттиқ, дағал, узоқ вақт пишириш талаб этиладиган ҳамда қийин ҳазмланадиган бўлади. Шунинг учун ҳам

Қорамол парваришилаш сирлари

айрим чет мамлакатларда бузоқ гүшти йирик мол гүштига нисбатан қиммат сотилади.

Семиз молларнинг гүшти кўп, ориқларники оз, ёш молларники ҳам оз, катта ёшдаги вакиллариники кўп, эркаклариники урғочилариникига қараганда кўп бўлади. Ёғ тўқимаси тери остида, буйрак ва қовуқ, ошқозон ва ичак атрофида кўпроқ учрайди.

МОЛЛАРНИ БЎРДОҚИГА БОҚИШ

Қорамолларнинг гүшт маҳсулдорлигини оширишда уларни бўрдоқига боқиши тўғри ўюштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун моллар икки хил усуlda, яъни қўлда (бўрдоқичилик базалари ва комплексларида) ва яйловда семиртирилади.

Ўзбекистонда табиий ўтзорлар ва яйловлар оз бўлиб, улар чўл, тоғ ва тоғ этакларига жойлашгани учун молларни қўлда бўрдоқига боқиши усулидан фойдаланилади. Мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, улардаги ўт ва ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш замон талаби ҳисобланади. Масалан, сув чиқмайдиган баланд майдонларда ўсадиган ғалласимон бошоқдош ўтлар, протеинга бой дуккакли ўсимликлар, шунингдек, шўрланган яйловлардаги шўрҳок ва ҳар хил ўсимликлар қорамоллар учун яхши, арzon озиқ ҳисобланади. Бинобарин, табиий яйлов ўсимликлари ҳосилдорлигини оширишда мавжуд резервлардан фойдаланиш, агротехника ва янги технология усулларини қўллаш, ем-хашак миқдорини ошириш, сифатини яхшилаш гўшт етиштиришда энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигига таъсири этадиган омиллар

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги юқори бўлиши бир қанча омилларга боғлиқ. Масалан, уларнинг зоти, ёши, семизлиги, жинси, боқиш ва асраш усули, шунингдек, физиологик ҳолати ҳамда ташқи муҳит таъсири шулар жумласидан. Олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича, гўшт учун боқувга қўйилган гўштдор қорамол қанча яхши боқилса, парвариш қилинса, сўйилганда шунча кўп ва сифатли гўшт олинади.

Қорамол гўшти таркибидаги инсон организми учун зарур бўлган моддалар - оқсил, ёғ, минерал тузлар, витаминалар, аминокислоталар, микроэлементлар бир қанча афзаликларга эга.

Қорамолнинг гўшт маҳсулдорлиги даражаси молларнинг тирик вазни, нимталанган гўштининг вазни, унинг таркибидаги лаҳм, ёғ, суяқ, тоғай ва пайларнинг миқдори, шунингдек, гўшт нимталаридағи бўлак сортларнинг вазни, миқдори ва нисбати, уларнинг тўйимлиги ва кимёвий таркиби, ниҳоят, калорияси шулар жумласидан.

Моллар ёшининг семиртиришга таъсири

Ёш ва йирик молларни гўштга семиртиришда бир қанча талабларга эътибор бериш лозим. Масалан, ёш молларни семиртиришда мумкин қадар уларнинг рационида гўшт маҳсулотини оширишга имкон берадиган, биологик жиҳатдан қимматли, протеин, витамин ва минерал элементларга бой бўлган озиқ турларини кўпайтириш, шунингдек, улар ҳаддан ташқари семириб ҳетмаслиги тадбирлари қўлланилиши

Қорамол парваришилаш сирлари

лозим. Ёш моллар жадал усулда семиртирилса, улар организмида гўшт ва ёғ тўқималари тез тўпланади ва ривожланади, бинобарин гўштдорлик даражаси юқори бўлади.

Бузоқлар 12-15 ойлик бўлгунча мускул тўқимаси суяк тўқимасига нисбатан жадалроқ ўсади, 18 ойлигида мускулининг нисбий вазни кўпроқ, суякларнинг солиштирма вазни камроқ бўлади.

Масалан, 10-12 ойлик новвосларни 1 кг. семиртириш учун ўртача 7-8 озиқ бирлиги сарфланса, катта ёшдаги моллар учун 8,0-10,0 озиқ бирлиги талаб этилади.

Бузоқлар лаҳм гўшт етиштириш мақсадида семиртирилади. Шунинг учун уларни 6 ойлигидан тортиб режалаштирилган давргача семиртириш мумкин. Катта ёшдаги молларни 60-90 кун мобайнида бўрдоқига боқиши мумкин. Чунки боқиши муддати чўзиб юборилса, уларнинг танасини ёғ босиб кетади ва гўштининг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Моллар зотининг таъсири

Гўштининг хусусиятига кўра сут учун боқиладиган ва қўш маҳсулдор зотлар гўштга боқилганда ёғ ички органларида тўпланади, нимталарида эса камроқ бўлади. Уларнинг нимтасидаги лаҳм гўшт миқдори гўшт учун боқиладиган молларникуга нисбатан камроқ бўлади. Бундай моллар жадал усулда гўштга семиртирилганда гўшт чиқими 50-56% ни ташкил этади.

Молларнинг гўшт маҳсулдорлиги ортишига, сифати ва тўйимлилиги яхшиланишига уларнинг зоти ва зотдорлиги салмоқли таъсир кўрсатади.

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

Бунга асосий сабаб гўштдор зотларнинг тез етилувчанини, қисқа вақт ичида яхши семириши, семириши учун сут учун боқиладиган молларга қараганда камроқ ем-хашак сарфлаш, гўштдор зотларнинг бузоқ ва новвосларнинг 15-18 ойлигигача боқилиши етарли ҳисобланади. Бунда уларнинг тирик вазни сут учун боқиладиган ва қўш маҳсулдор зотлар сигири билан чатиштириш натижасида олинган бузоқларни жадал усуlda гўштга семиртириш ишлари кенг тус олган.

Жинси ва ахталашнинг таъсири

Гўшт етиштиришда насл олишга яроқсиз бўлган, сут, гўшт учун боқиладиган ва қўш маҳсулдор зот бузоқлар салмоқли ўрин тутади. Уларнинг умумий сони барча ёшдаги қорамолларнинг деярли 90-95% ини ташкил этса, урғочи бузоқлар 30% атрофида бўлади. Айrim вақтларда хўжаликнинг шароитига ва боқиши усулига кўра, новвослар ахталанади. Лекин кузатишлардан маълум бўлишича, ахталанган новвослар буқаларга кўра суст ўсади. Ахталашга асосий сабаб уларни подада боқиши учун мойиллигини ошириш, урғочи бузоқлар билан бирга гўштта семиртиришдан иборат.

Урғочи бузоқлар гўштга боқилганда нимтасининг вазни, суткалик семириш учун ем-хашак сарфлаши ва лаҳм гўшти миқдорига кўра бичилган ва бичилмаган новвослардан тубанроқ бўлади. Лекин гўштининг сифати, юмшоқлиги, нозиклиги, таркиби ва мармарсимонлиги жиҳатидан юқори туради. Бинобарин, уларни 15 ойлигигача боқиши ва вазнини 350-400 кг.га етказиб, гўштга топшириш тавсия этилади. Новвослар ва ахталанган буқачалар 15-18 ойлик

Қорамол парваришилаш сирлари

бўлгунча боқилиши ва новвослар вазни 450-550 кг., ахталаңган буқалар 400-450 кг. атрофида бўлганда, улар гўштга топширилади.

Боқишининг таъсири

Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини оширишдаги энг муҳим омиллардан бири уларни рацион асосида тўғри боқищдир. Уларни сифатли ем-хашак бериб боқиш гўшт маҳсулоти салмоғини ошириш ва гўшт чиқимини кўпайтириш имконини беради. Яхши боқилган молнинг нимтасида суяқ ва пайлар сифатсиз ем-хашак билан боқилган вакиллариникига қараганда 25-30% кам, гўштининг калорияси 40-50% юқори бўлади.

Қорамоллар ем билан боқилганда улар тез семиради, лаҳм гўшти ва ёғи кўпроқ бўлади. Рационида дағал ва серсув озиқлар микдори кўпайиб кетиши уларни семиртириш муддатининг узайиб кетиши ва вазни секинлик билан ортишига сабаб бўлади.

Қорамолларни бўрдоқичилик базаларида гўштта боқиш

Моллар қўлда (бўрдоқичилик базаларида) боқилганда тез семиради, лекин етиштириладиган маҳсулотнинг таннархи нисбатан қимматроқ бўлади. Чунки бунда молларга тайёрланган ва маълум даражада ишлов берилган ем-хашак берилади, шунингдек, меҳнат кўпроқ сарфланади.

Моллар қўлда боқилганда олинадиган иқтисодий фойда бир қанча омилларга боғлиқ бўлади. Масалан, молларни боқиш техникаси ва технологияси, боқиш даражаси ва типлари,

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

шунингдек, уларнинг ёши, жинси ва зоти шулар жумласидан. Гўштта боқилаётган молларни юқори семизлик кондициясига етказиш кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришда муҳим роль ўйнайди ҳамда олинадиган даромад ортади.

Молларни боқиш ва семиртириш усувлари

Молларни қуидаги мақсадда гўштга семиртириш усули қўлланилади, улар:

1. Оқиши ёки оч пушти (белая телятина) рангли бузоқ гўшти етиштириш учун боқиш. Бунда 1-2 ҳафталик эркак бузоқлар 3-4 ой мобайнида фақат сут билан боқилади. Ҳар бир бузоққа кунига 12-16 кг.дан сут ичирилади ва уларнинг суткалик семириши ўртача 1 кг. атрофида бўлади.

2. Оддий бузоқ гўшти етиштириш учун боқиш. Бунда олинадиган маҳсулот таннархини арzonлаштириш мақсадида бузоқлар 3-4 ойлигигача сутдан ташқари серсув, дағал озиқлар ва ем бериб боқилади, улар суткасига 400 гр.дан семиришига эришиш режалаштирилади.

3. Беби биф деб аталадиган ёш бузоқ гўшти етиштириш учун боқиш. Бунинг учун бузоқлар бир ёш бўлгунча сифатли ҳар хил ем-хашак билан боқилади, вазни 350-400 кг.га етказилади. Рацион таркибидағи емни 30%-80%, айрим ҳолларда 90% гача ошириш талаб этилади.

4. Бузоқларни йирик (офир) нимта олиш мақсадида боқиш. Бу усуlda бузоқлар 18-24 ойлик бўлгунича ёки вазни 400-600 кг.га етгунча боқилади. Чунки 1,5-2 йил давомида молларга арzon бўлган кўплаб ўт (яйловда) ва пичан (қўлда) берилади. Ем рационнинг 25-35% ини ташкил этади. Айрим ҳолларда ем 40% га етказилади.

Катта ёшдаги молларни боқиши

Бунда гўшт етиширишга мўлжалланган яроқсиз сигирлар ва буқалар 60-90 кун боқилади. Улар умумий поданинг 25-30% ини ташкил этиши мумкин. Семиртирилган моллардан кўп миқдорда гўшт олинади. Лекин гўшти дағал бўлганлиги учун суюқ таомлар, сосиска, консерва ва колбаса тайёрлаш учун фойдаланилади.

Молларни гўштга боқища барча шарт-шароит (географик, зонал, иқтисодий, ишлаб чиқариш) ҳисобга олинган ҳолда уларга хилма-хил ем-хашиб берилади. Бунда ем-хашиб қайси бир турининг салмоғи катта ва юксак даражада бўлса, бўрдоқичилик усули ўша озиқ номи билан юритилади.

Кўк ўт билан боқиши. Кўк ўт барча хўжаликлар учун арzon бўлиши билан бирга, тез ҳазм бўладиган, организмга тез сингиб кетадиган озиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у барча турдаги қорамоллар учун қимматли озиқ сифатида ишлатилади. Ўт бериш миқдори молларнинг ёшига ва ориқ-семизлигига қараб режалаштирилади. Масалан, ўш молларга бир кунда 30-50 кг., катта ёшдагиларга эса 40-70 кг. атрофида бериш мумкин. Бундан ташқари, 30% атрофида ем ҳам бериш тавсия этилади.

Озиқнинг тўйимлилигига кўра таркиби (%)

Рацион таркиби	Катта ёшдаги моллар учун (кг)	Бузоқ (новвослар) учун (кг)	
		Боқувнинг илк вақтида	Боқувнинг сўнгти даврида
Кўк ўт	70	75	60-55
Ем (концентрат)	30	25	35-40

Сут ва тўшт маҳсулдорлиги

Айрим вақтларда кўк ўт бериб боқишида молларни семиртириш даражаси юқори бўлмаса, уларнинг рационига қўшимча равишда лавлаги, хашаки полиз экиnlари киритиш тавсия этилади.

Силос билан боқиши. Ўз экин майдонига эга бўлган хўжаликларда етарли миқдорда маккажўхори, оқжўхори ва кунгабоқардан силос бостирилиши ва куз-қиши ойлари мобайнида уларни молларга бериш тавсия этилади. Моллар рационидаги силос 50-60% ни ташкил этиши мумкин. Ем 24-25%, пичан 7-8%, илдизмевалар 5-6% бўлиши ва қолган қисми минерал моддалар ҳисобига тўлдирилиши мумкин.

Сенаж билан боқиши. Сенаж дуккакли ва бошоқли ўтлардан тайёрланади. Унинг таркибида 50% сув, 8-10% протеин 1,2-2% ёғ, 21-23% азотсиз экстрактив моддалар, 14-15% клетчатка, 4-4,5% кул бўлгани ҳолда, 1 кг. сенажнинг тўйимлилиги 0,35% озиқ бирлигига teng. Шунингдек, 1 кг. сифатли сенажда 55 кг. ҳазм бўладиган протеин, 40 мг. каротин, 6-7 гр. кальций, 1-1,5 гр. фосфор бўлади. Молларнинг ёши ва физиологик ҳолатига қараб қўйидаги миқдорда сенаж бериш мумкин: 3-6 ойлик бузоқларга 5-8 кг., 6-8 ойлик бўлганларига 10-15 кг., 1 ёшдан катталарига 15-20 кг. Рационнинг қолган қисмини бошқа дағал озиқлар ҳисобига тўлдириш мумкин. Агар рационнинг 70% и сенаждан ташкил топган бўлса, у ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилишини сусайтириб юборади ва салбий натижа бериши мумкин.

Барди билан боқиши. Барди пиво ва мева-консерва заводлари чиқиндиси ҳисобланади, у молларга берилса, улар яхши семиради. Чунки унинг таркибида ҳайвонлар организми учун зарур моддалар мавжуд. Масалан, 1 кг. сифатли бардидаги 9-11 гр. протеин ва 0,08-0,09 гр. озиқ бирлиги

Қорамол парваришилаш сирлари

бор. Бундан ташқари, 91-93% сув, 1,5-2,5% оқсил, 3-5% азотсиз экстрактив моддалар, 0,5-0,9% клетчатка, 0,3-1,9% ҳар хил минерал элементлар бўлади.

Молларни барди билан боқишида унинг рациондаги миқдори 50-60% дан ошмаслиги керак, акс ҳолда салбий оқибатларга олиб келади. Шунингдек, пичан ёки сомон 15-20%, ем 20-25%, қолган қисми минерал қўшимчалар (ош тузи ва ҳоказолар) ҳисобига бўлиши мумкин.

Ем билан боқиш. Молларни гўштга боқиши муддатини қисқартириш, меҳнат жараёнини ихчамлаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида ем билан боқиши катта аҳамиятга эга. Лекин ем бошқа турдаги (дағал, илдизмева, кўкат ва серсув) озиқларга қараганда қимматроқ бўлганлиги учун кўпгина хўжаликларда тежаб сарфланади. Моллар дон (арпа, сули, маккажўхори) ва уларнинг ёрмасидан тайёрланган ем билан боқилади. Бунда рацион умумий қисмининг 80% ини ем ташкил этса, 20% и дағал озиқлар ҳисобига тўғри келади. Лекин тўйимлилиги жиҳатидан рационнинг 75-95% и емдан иборат бўлиши мумкин.

Брикетланган ва донадор озиқлар билан боқиш. Кейинги йилларда гўшт ва бошқа маҳсулотларни саноат асосида етиштиришга ўтиш муносабати билан ҳар хил ем-хашак аралашмаларидан (дағал ем, озиқ-овқат саноати чиқиндилари ва ҳоказолардан) брикет ва донадор озиқ тайёрлаш ишлари кенг тус олди. Омихта ҳолда, яхши қуритилиб, таркиби ва сифатини бойитиб тайёрланган бундай озиқлар чорва моллари учун анча қулай. Бундан ташқари, брикетланган ва донадор озиқларни қуруқ жойда узоқ вақт саклаш мумкин. Бундай озиқлар ҳар

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

қандай ҳайвон ёки парранда учун маҳсус рацион асосида тайёланади ва фойдаланилади.

Пахта чиқиндилари билан боқиш. Ўзбекистондаги барча хўжаликларда молларни гўштга боқишида пахта чиқиндиларидан кенг фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Бунда ҳар бир бош молга ёши ва физиологик ҳолатига қараб, 2-5 кг. шулха, 2-2,5 кг. кунжара ёки шрот берилади. Шунингдек, 2,5-3 кг. беда пичани, 0,6-1,0 кг. арпа ёки маккажӯхори ёрмаси, углеводларга бой силос, хашаки лавлаги, сенаж ва минерал қўшимчалар бериб, молларнинг маҳсулдорлиги оширилмоқда.

Қорамолларни яйловда боқиш

Қорамолларни яйловда боқиш иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Бунинг афзаллиги шундаки, моллар ўтларни инсон меҳнатисиз истеъмол қиласи ва семириш имконига эга бўлади. Бунда самарадорлик боқиш муддатига, яйловнинг ҳосилдорлиги ва ўтлар хилма-хил ҳамда сифатли бўлишига, молларнинг ёшига, жинси ва физиологик ҳолатига борлиқ бўлади. Моллар яйловда боқилганда йирик, катта ёщдагилари 25-30% семирса, ёш моллар 40-60% ва ундан ҳам кўпроқ семириши мумкин.

Молларни яйловда боқиш учун бир қанча асосий тадбирларни амалга ошириш керак. Масалан:

- 1) подани ташкил этишда моллар ёши, жинси, ориқ-семизлигига кўра бир хил бўлиши керак;
- 2) мол боқиш учун ажратилган яйлов етарли ва сув билан таъминланган бўлиши керак;
- 3) барча тадбирлар ва молларни боқиш қатъий кун тартиби асосида олиб борилиши керак;

Қорамол парваришилаш сирлари

4) меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлашда моллар қанча семирганлигини ҳисобга олиш лозим;

5) илғорлар тажрибаси ва фан ютуқларидан унумли фойдаланиш ҳамда боқиш технологиясини ҳудуд ва фасл шароитига кўра жорий қилиш мақсадга мувофик.

Молларни яйловда боқиш технологияси бир қанча масалаларни ўз ичига олгани ҳолда, улар бажарилишини талаб этади, уларнинг энг асосийлари қуидагилар:

1) Молларни тасдиқланган кун тартиби асосида ва сутканинг маълум соатларида боқиш керак. Ҳаво исиб кетганда уларга дам берилади. Ёз ойларида сутка мобайнида 16-17 соат, куз ойларида 12-14 соат атрофида боқиш тавсия этилади.

2) Моллар яйловда боқилганда тарқалиб кетмасдан, бир текис юриши керак. Бунинг учун молбоқар поданинг олд томонида уларни назорат қилиб бориши, серўт ерларда молларни кўпроқ ўтлатиши керак.

3) Моллар эрта билан оч қоринга шудринг тушган ўтларни емаслиги керак. Чунки қорни шишиб кетади. Аввал турли хил ва бошоқли ўтлар ейиши, кун исиб шудринг кетгач, дуккакли ўсимликлар ўсаётган яйловларда боқиш керак.

4) Яхши семирган молларни ўз вақтида подадан ажратиб олиш ва гўштта топшириш зарур. Бундай вазифани бажариш бригадир ёки мудир зиммасига юкланди.

5) Молларнинг семириш даражасини аниқлаш учун улар оч ҳолида эрта билан тарозида тортилади.

6) Семирган молларни узоқ масофага ҳаракат қилдирмаслик керак. Умуман, пода суткасига 12-

Сүт ва гўшт маҳсулдорлиги

15 км.дан ортиқ масофага юрмаслиги шарт, акс ҳолда молларнинг семизлигига салбий таъсир кўрсатади.

7) Моллар ёз кунлари салқин жойда дам олиши, қолган фаслларда шамол ва захдан эҳтиёт қилиниши керак.

Молларни гўштга боқишда биологик фаол моддалардан фойдаланиш

Барча турдаги биологик фаол моддалар ичида витамин, фермент, антибиотик ва микроэлементлар молларни жадал усулда боқишда муҳим аҳамиятта эга. Чорвачиликда молларни тез ўстириш имконини берадиган антибиотикларнинг тури кўп бўлиб, уларнинг асосийлари: биомицин, террамицин, кормогризин, бацитрацин, адреомициндир. Бу моддалар витамин ва микроэлементларга қўшиб берилса, самарарадорлик юқори бўлади.

Ферментлар моддаларнинг синтезланиши ва ҳазм қилинишини тезлаштирадиган биологик катализаторлардир. Улар микробиология саноатида тайёрланади ва фойдаланиш учун тарқатилади. Чорвачиликда ишлатиладиган фермент турлари кўп, лекин ҳозирги вақтда оризин, аваморин, терризин каби турлари кўп ишлатилади.

ҚОРАМОЛЛАРДА СИФАТЛИ ТЕРИ ЕТИШТИРИШ

Қорамоллар терисининг сифати уларнинг ёшига, жинсига, зотига, ориқ-семизлигига ва боқиш усулига боғлиқ бўлади. Яхши боқилган молларнинг териси сифатли бўлиб, ундан қимматбаҳо пойабзал тайёрланади.

Қорамол парваришилаш сирлари

Қорамоллардан етишириладиган тери уларнинг маҳсулоти йўналишига боғлиқ. Масалан, сут учун боқиладиган молларнинг териси ҳайвон вазнининг 6-8% ини ташкил қиласа, гўшт учун боқиладиганларда 8-11% дан иборат. Йирик буқаларнинг териси вазнининг 10-12% ини ташкил этади.

Моллар вазни ва ёшининг ортиб бориши билан терисининг вазни камайиб боради. Масалан, янги туғилган бузоқларнинг териси танаси вазнининг 11% ини ташкил қиласа, 3 ойлик бузоқларда 8%, 1 ёшлик вакилларида бу кўрсаткич 6-7% га teng.

Енгил саноатда қорамол териси маълум стандартлар асосида баҳоланиб, майда, ўртача, йирик терилар гуруҳига ажратилиди. Бундай терилар маълум мақсадда (оёқ кийим тайёрлашда, галантереяда, ҳарбий мақсадларда ва саноатнинг турли соҳаларида) ишлатилади.

ЧОРВАЧИЛИК БИНОЛАРИНИНГ САНИТАРИЯ ВА ГИГИЕНА ҲОЛАТИ

Чорвачиликда молхоналар микроиклими ва ҳайвонлар гигиенасига алоҳида эътибор бериш муҳим масаладир. Чунки боқиладиган ҳайвонлар сонининг тобора ортиб бориши, молхоналар йирик бўлишига қарамасдан уларнинг зич ҳолда жойланиши, кўплаб ҳайвонларни йил мобайнида фақаттина молхоналарда сақланиши, шунингдек, барча меҳнат жараёнларининг механизация ва автоматизация ёрдамида олиб борилиши алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги замон молхоналари ҳамма турдаги ҳайвонлар учун қулай, майдони етарли, тоза, ёруғ, ҳар томонлама талабга жавоб берадиган бўлиши керак. Бундан ташқари, замон талабига тўла жавоб бера оладиган молхоналар

Сут ва түшт маҳсулдорлиги

санитария ва гигиена қоидалари асосида қурилиши, унда сақланадиган молларга қулайликлар яратилган ҳолда бўлиши, мутахассис ва ходимлар хизматини осонлаштиришга қаратилган, қурилиши кўп маблағ талаб қилмайдиган ва узоқ муддатга чидайдиган бўлиши керак.

Чорвачилик бинолари ҳар бир худуд ва вилоятнинг об-ҳаво, иқлим, тупроқ, ишлаб чиқариш ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган типовой молхоналар асосида қурилиши лозим. Қуриладиган молхоналарнинг катталиги ҳайвонларнинг тури, маҳсулот йўналиши, ер ресурслари ва ем-хашак билан тўла таъминлай олинишини назарда тутган ҳолда бўлиши мақсадга мувофиқ. Масалан, сут йўналишидаги чорвачилик комплекслари асосан 200, 400, 800, 1200 ва 2000 бош сигирга мўлжалланган бўлиши керак.

Сут-товар ва наслчилик фермаларини қуришда молхоналар молларни боғлаб боқищда 200 ва 400 бош сигирга, борламай боқищда эса 400 ва 600 бошга мўлжалланган бўлиши мумкин.

Бузоқхоналар бузоқларни туғилганидан то сутдан чиққунга қадар даврда боқиш учун 114, 228 ва 342 бошга мўлжалланиши лозим.

Сигирларнинг туғуруқхоналари эса 24, 28 ва 72 бошга мўлжалланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Чорвачилик биноларини қуришда барча омилларга: механизация даражаси, ташки мұхит шароити, ўлқанинг хусусияти, ҳайвонларнинг тури, ёши, маҳсулоти, сақлаш усули ва қўйилган мақсад дикқат марказида бўлмоғи лозим.

Комплекс қуриш учун маҳсус қисмларга бўлган зоогигиена талаблари

Ўзбекистон шароитида чорвачилик биноларининг деворлари ташқи иссиқ ва совуқ ҳароратни ушлаб қоладиган материал ва ускуналардан қурилиши керак. Шунинг учун девор материаллари валвирак, тешик-тешик материаллардан бўлгани маъқул. Чунки бундай материаллар ўзидан ҳавони қисман ўтказгани ҳолда иссиқ ва совуқ ҳавони ўтказмайди.

Бинонинг фундаменти мустаҳкам ва чидамли материаллардан қурилиши керак. Фундамент орқали бино деворларига ердан намлик ўтишига йўл қўймаслик мақсадида бинонинг фундаменти билан девори ўртасига икки қават тўл ёки бошқа нам ўтказмайдиган материал қўйилиши лозим. Фундамент ер ости сувларидан камида 0,5 м. баланд қурилиши керак.

Бинонинг девори, юқорида айтиб ўтилганидек, иссиқ ва совуқ ҳароратни ўтказмайдиган, қуруқ ҳавони бир оз ўтказа оладиган ғилвираксимон материаллардан қурилиши лозим. Унинг қалинлиги ҳар бир вилоятнинг иқлим шароитига боғлиқ. Деворлар тез-тез оқланиб, тозаланиб, дезинфекция қилиб турилади.

Бинонинг шипи хонани ҳаддан ташқари исиб кетишига йўл қўймайдиган, қуруқ, енгил, текис ва мустаҳкам материаллардан қурилади. Бундай материаллар бино ичини дезинфекция қилиб туриш учун ҳам қулай бўлиши керак.

Бинонинг поли хонадаги микроиқлим, санитария ва гигиеник ҳолат, молларнинг соғлиги, тозалаги, маҳсулотнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Сут ва гўшт маҳсулорлиги

Шунинг учун у иссиқ, қуруқ, сув ўтказмайдиган, тозалашга қулай, мустаҳкам, эластик, ҳайвонларнинг сирпаниб кетишига йўл қўймайдиган, дезинфекция қилиш қулай бўлиши керак.

Бино полининг муҳим кўрсаткичи ўзидан сув ўтказмаслик хусусиятидир. Ҳайвон сийдигини канализация томон оқиб тушиши учун у бир оз нишаб, ҳар бир метрда 1-2 см. баландроқ бўлиши керак.

Тахта пол иссиқ бўлгани билан ўзидан намлик ўтказади, 3-5 йилда ишдан чиқади ва дезинфекция қилиш учун ҳам ноқулай ҳисобланади. Асфальт пол ўзидан нам ўтказмагани ҳолда анча совуқ бўлади.

Бетон пол мустаҳкам бўлади, сув ўтказмайди, лекин ҳайвон учун совуқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда барча талабларга жавоб бера оладиган полимерланган керамзит асфальтобетон, керамзитобетон поллар ишлаб чиқиш конструкциялари тавсия этилган.

Ёруғликнинг гигиеник аҳамияти

Барча чорвачилик биноларида табиий, сунъий ва аралаш ҳолдаги ёруғликдан фойдаланилади. Ёруғликнинг ҳайвон организми учун аҳамияти катта. Ёруғлик ҳайвонлар учун иссиқлик унга нур ва кимёвий таъсир кўрсатади. Иссиқлик бўйича инфрақизил ва қизил нурларнинг аҳамияти катта. Бу нурлар ҳайвон танасига бир неча см.гача кириб боради. Фермалардан бундай нурлардан касал ҳайвонни иситиш ва ёш моллар танасини чиниқтириш мақсадида фойдаланилади. Маълум бўлишича, ультрабинафша нурлар ҳайвон терисига 0,7-0,9 мм.гача кириб боради ва кимёвий таъсир кўрсатади.

Қорамол парваришилаш сирлари

Ҳамма ҳайвонларда кўз ва тери орқали қабул қилинадиган ёруғлик нурлари бош мия пўстлоғидаги кўриш марказлари ва у орқали эндокрин системаси ҳамда бутун танага таъсир этади.

Ҳайвонлар учун қуёш нурининг аҳамияти ниҳоятда катта. У бактерицидлик хусусиятига эга. Бундан ташқари, ҳайвон организмида модда алмашув жараёнларини тезлаштиради. Бунинг натижасида ҳайвоннинг иштаҳаси кучаяди, овқат яхши ҳазм бўлади, қон айланиши ва қондаги шаклий элементларнинг ҳосил бўлиши жадаллашади. Шунингдек, газ ва кислороднинг тўқималарга етиб бориши яхшиланади.

Агар қуёш нуридан нормал фойдаланилса, ҳайвон танаси соғлом, ҳаракатчан ва чиниққан бўлади, маҳсулдорлиги ошади. Қуёш нури ҳайвон терисининг қатор касалликларга чидамлилигини оширади, жун ўсишини тезлаштиради, яраларининг тез тузалишига ёрдам беради.

Қуёш нури ҳайвонларнинг урчиши ва жинсий органларига ижобий таъсир кўрсатади. Ёш ҳайвонлар учун қуёш нури ва ёруғлик етарли бўлмаса, урчиш органларининг ривожланиши сусаяди, катта ёшдаги ҳайвонларда жинсий фаоллик пасаяди, серпуштилик хусусияти яхши натижа бермайди.

Юқорида келтирилган ёруғлик ва қуёш нурининг ҳайвон организмига кўрсатадиган ҳамма ижобий таъсирларини яхши билган чорвадорлар ўз молларини боқиш, асраш, сақлаш ва парваришдаги илмий тавсияларга алоҳида аҳамият берган ҳолда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Молхоналарни ёритиш, биринчи навбатда, бинонинг жойланиш хусусиятига, дераза

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

ойналарининг сатҳига боғлиқ бўлади. Молхоналарнинг ёруғлиги "ёруғлик коэффициенти" билан белгиланади.

Ёруғлик коэффициенти деб молхонага ёруғлик тушиб турадиган дераза ойнаси сатҳининг пол сатҳига бўлган нисбатига айтилади. Бу нисбат турли чорва моллари учун турлича бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, парварищдаги чорва моллари ва паррандалар учун ёруғлик коэффициентини тузишда уларнинг ёши, маҳсулот йўналиши ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади.

Чанг ва унинг ҳайвон организмига таъсири. Атмосферада бўлганидек, молхоналардаги ҳавонинг таркибида ҳам маълум микдорда chang бўлади. Чанг қуруқ озиқлар берилганда, молларнинг танаси ва ости тозаланганда, хоналар супирилганда ҳосил бўлади.

Ҳаво режимининг ҳайвон организмига таъсири

Ҳаво режими ҳайвон организмига ҳар томонлама таъсир этади. Метеорологик шароитдан қор ва ёмғир вақтинча таъсир кўрсатса, айримлари, яъни ҳарорат, намлик, шамол ва ҳавонинг ҳаракати кабилар доимий таъсир этади.

Об-ҳавонинг ҳайвон соғлиги ва маҳсулдорлигига муайян даражада таъсир қиласи. Кескин ўзгарувчан об-ҳаво ва иқлим ҳайвон организмига кучли ёки салбий таъсир қиласи. Айниқса, ёш моллар ташқи муҳитнинг кескин ўзгаришига чидамсиз бўлади.

Республикамизниң вилоятларида боқилаётган ҳайвон турлари ўз шароитига яхши мослашган

Қорамол парваришилаш сирлари

бўлади. Шунга кўра, уларнинг физиологик функцияси, клиник кўрсаткичлари, модда алмашинув жараёнлари, овқат ҳазм қилиш, урчиш ва кўпайиш хусусиятлари муайян ҳолда талабга жавоб беради. Лекин бир-биридан кескин фарқ қиласидиган зоналарга олиб борилган ҳайвонларда ташқи муҳит шароитига мосланиш даврида қийинчиликларга дуч келинади. Совуқ иқлимда ҳайвонлар совуқдан қийналса, иссиқ иқлим шароитида уларнинг танаси қизиб кетади, нафас олиши ва юрак фаолияти оғирлашади.

Микроиқлим деганда, молхоналардаги ҳаво муҳитининг физик ҳолати ва кимёвий таркиби комплекси тушунилади. Бунга бир қанча омиллар, яъни ҳавонинг ҳарорати, таркиби, намлиги, ҳаракати (шамол), ёруғлик, газ, ҳавонинг чангланиши ва бошқалар таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, теварак-атрофнинг қандай бўлиши, масалан, қир-адирми ёки бое-роғларми, кўкаламзорларми, пастлик ёки тепаликми, молхоналардаги ишларнинг механизация ёрдамида бажарилиши, ҳайвонлар зичлигининг меъёрий бўлиши ҳам микроиқлим ҳолатига таъсир кўрсатади.

Чорвачиликни саноат асосида ривожлантирувчи йирик чорвачилик комплексларида микроиқлимга бўлган талаб ниҳоятда катта. Чунки юқори маҳсулдор моллар ва зотлар, ўсувчан гурӯҳлар микроиқлимга жуда талабчан бўлади. Агар улар учун етарли даражада микроиқлим яратилмаса, чорвачилик тармоқларининг ривожланиши пасаяди, ҳайвонларнинг соғлигига путур етади, уларнинг маҳсулдорлиги кескин камайиб кетади.

Оптималь даражадаги микроиқлим ҳайвонларнинг соғлигини яхшилашга, жинсий

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

фаолияти нормал бўлишига, уларнинг ўсиши ва ривожланишига, сут, гўшт, жун ва тухум маҳсулотларининг ортишига, ҳаракатчанлигининг юқори бўлишига қаратилиши лозим.

Молхоналарни шамоллатиш (вентиляция)

Хоналарни шамоллатиш деганда, ундаги эскирган заарли ҳавони ташқарига чиқариб, унинг ўрнига тоза ҳаво киритиш тушунилади. Хоналарни шамоллатиш микроқлим ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқ. Хоналарни шамоллатиб туриш туфайли талаб этилган ҳарорат, намлик ва ҳавонинг ҳаракати вужудга келтирилади, шунингдек, заарли ва заҳарли газлар тоза ҳаво билан алмашинади.

Агар молхоналар яхши шамоллатилмаса, заҳарли ва заарли газлар, намлик ва ҳавонинг ҳарорати ортиб кетади, бу эса ҳайвонларнинг соғлиги ва маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ТАШИШ

Чорва молларини гўшт муассасалари ва тайёрлаш пунктларига автомобиль транспортларида ташилади, сурув отар билан ҳайдаб борилади. Ҳайвонларни ташиш вақтида тирик вазнининг сақланишига, касалланмаслигига эътибор бериш ва касаллик пайдо бўлганда унинг бошқа ҳайвонлар орасида тарқалмаслиги учун жиддий тадбирлар кўриш керак. Бунинг учун ташишдан олдин ҳайвонлар ветеринария кўригидан ўтказилади, хилига ҳамда ёшига қараб ажратилади. Бўғозликнинг иккинчи даврида

Қорамол парваришилаш сирлари

бўлган, оёғи шикастланиб оқсайдиган, ориқ, заиф ва касал ҳайвонларни узоқ масофаларга ташишга йўл қўйилмайди.

Таниш учун тайёрланган ҳайвонларнинг сурув (отар) рўйхати тузилади ва унда ҳайвонларнинг жинси, ёши, ранги, тирик вазни ва бирка номери кўрсатилади. Йўл журналига ҳайвонларнинг касалланиб қолиш ҳоллари, мажбурий сўйилиши, ветеринария текширувларидан ўтказилганлиги ва бошқалар ёзилади. Ташиладиган ҳайвонлар ҳақида аниқ формада ветеринария шаҳодатномаси берилади. Унда хўжалиқдан чиқарилган ҳайвонлар сони, хўжалиқдаги ҳайвонларда касаллик йўқлиги, малленизация (отларни манқа касаллигига текширтириш), туберкулизация (қорамолларни сил касаллигига текширтириш) ва ўтказилган бошқа ветеринария тадбирлари кўрсатилади.

Чорва моллари сурув (отар) билан ҳайдалганда, сурув тартибга солиниши керак. Йирик қорамол сурувида 100-200, ёш қорамол сурувида 200-250, қўй сурувида 600-1000 бош ҳайвон бўлади.

Ҳар бир чўпонга 40 тагача қорамол ёки 100-200 та қўй топширилиши мумкин. Қорамол суруви бир кунда 15-30 км. йўл юриши керак. Куннинг иссиқ вақтида, шамол ва ёғингарчилик пайтида, ҳавонинг ҳарорати 20 градусдан паст бўлганда ҳайвонлар сурув билан ҳайдалмаслиги керак. Ҳайвонларнинг сурув билан ҳайдалиши маълум бир ҳайвон трассаси (маршрути) бўйлаб бўлиши ва касалликларнинг маҳаллий (ерли) ҳайвонлардан ҳайдаладиган ҳайвонларга, шунингдек, сурувда касаллик келиб чиқса, унинг маҳаллий ҳайвонларга ўтмаслиги учун жиддий тадбирлар кўрилиши лозим. Ҳайдаш вақтида юқумли касалликлар пайдо бўлганда ветеринария қонунларига асосан чора-тадбирлар кўрилади.

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

Ҳайвонлар автомашинада ҳам ташилади. Автомашиналардан молларни яқин жойдаги тайёрлов пунктларига, гўшт муассасаларига ташиш учун фойдаланилади. Бунинг учун оддий юк автомашинасидан ёки ҳайвонлар ташиладиган маҳсус автомашиналардан фойдаланилади. Оддий юк машинаси кузовининг тўрт томони ҳам 1 метр баланд қилиб кўтарилиши керак. Катта моллар машинада ташилганда бўйнидан боғлаб қўйилади. Битта оддий автомашинага 3 та қорамол ёки от жойлаштирилади. Ҳайвонлар ташиладиган маҳсус автомашиналарга 10 тадан ортиқ қорамол ёки от, 80 бошгача қўй жойлаштирилади.

Улар муассасаларга етказиб борилганидан кейин ветеринария мутахассиси уларнинг сонини, йўлда ўлган-ўлмаганлигини, касалланганми ёки йўқми ва ҳоказоларни аниқлайди, сўнг машинадан тушириб қабул қилиб олади. Агар ҳайвонлар темир йўл транспортида ташиладиган бўлса, касал ва ўладиган моллар учун маҳсус вагон ажратилиб, охирига уланади ва маҳсус жойларда бундай моллар тушириб қолдирилади. Касаллик тарқалишининг олдини олиш учун барча чоратадбирлар қўлланилиши лозим.

ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ КАСАЛЛИКЛАРИ

Касалликка чалингган ҳайвонларни аниқлаш қийин бўлмай, биринчи галда, уларнинг ташқи қиёфасидан билиш мумкин. Аввало, касал ҳайвоннинг иштаҳаси йўқолади, ҳаракатчанлиги сусаяди, тана ҳарорати кўтарилади, айрим вақтларда у қалтирайди, кўзидан ёш оқади, юрак уриши тезлашади. Баъзан кавш қайтарувчи ҳайвонлар кавш қайтармай қўяди, нотинчланади, типирчилайди, қорни шишади, ичи

Қорамол парваришилаш сирлари

суюқ кетади ёки, аксинча, ичи түхтаб қолади. Йўтал ҳайвонни қийнайди ва қисқа вақт ичиди у ориқлаб кетади. Сигир сути камаяди, сифати бузилади. Баъзан елинидан йиринг аралаш мадда чиқади. Оёқ бўғинлари шишиб кетиши мумкин. Баъзан касалланган бўғоз ҳайвонларда бола ташлаш ҳоллари содир бўлади.

Баъзи касалликлар оқибатида ҳайвоннинг тана ҳарорати пасаяди, юрак уриши сусаяди. Шунинг учун ҳам софувчилар соғлом сигирларда тана ҳарорати, юрак уриш тезлиги, нафас олиш нормаларини билиб олиши фойдали.

Тананинг ҳарорати ветеринар термометр ёрдамида ўлчанади. Ҳароратни ўлчащдан аввал термометр силкитилиб, вазелин суркалади ва ҳайвоннинг тўғри ичак тешигига тиқиб, унинг учи ҳайвон думига каноп билан боғлаб қўйилади. Орадан беш дақиқа ўтгач, термометр олинади, артилади ва ҳарорат даражаси аниқланади. Фойдаланилган темометрлар тозалаб ювилади, артилади ва эҳтиётлик билан сақлаб қўйилади.

Агар сигирларда тана ҳарорати 37,5 дан 38,6 С гача бўлса, уни нормал ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, отларда 37,5-38,5 С, туяларда 36-38,6 С, қўй ва эчкиларда 38,5-40 С, қуёнларда 38,5-39,7 С, паррандаларда 40-43 С бўлиши нормал ҳисобланади.

Нафас олиш тезлиги ҳайвонларнинг бурун тешигига бармоқ учларини очиқ ҳолда қўйиб, иккинчи қўлга секундомер ёки соатни олган ҳолда ҳисобланади. Нафас олиш тезлиги дақиқасига қорамолларда 10-30, отларда 8-16, қўй-эчкиларда 16-30, товуқларда 15-30 марта бўлса, уни нормал ҳисоблаш мумкин.

Бу хусусият айrim вақтларда ҳайвонларнинг ориқ-семизлиги ва тўқ ёки оч қолганлигига, шунингдек, физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади.

Сүт ва гўшт маҳсулдорлиги

Юрак уриш тезлигини аниқлаш ҳайвоннинг қўйидаги нуқталаридан бирига бармоқ учини теккизган ҳолда ўлчанади. Масалан, остки жағ артерия қон томиридан, думининг танага туташган қисмидан, яъни дум ости артериал ва веноз қон томирларидан, шунингдек, олдинги оёқнинг туёқса яқин орқа томонидан юрак уриш тезлигини аниқлаш мумкин. Бунда сигирларда юрак уриш тезлиги дақиқасига ўртacha 40-80 та бўлса, уни нормал ҳисоблаш мумкин.

Юқумсиз касалликлар

Чорва ҳайвонларининг юқумсиз касалликлари икки хил - ташқи ва ички бўлиши мумкин. Бу касалликлар кўпроқ чорвачилик ходимларининг эътиборсизлиги, шунингдек, ҳайвонларни озиқлантириш, сақлаш, асраш, парваришлаш, улардан тўғри фойдаланиш ҳамда зоогигиена қоидаларига риоя қиласлик оқибатида вужудга келади.

Юқумсиз касалликларнинг давом этиши ҳайвон организмини жароҳатлантиради, қийнайди, оздирив, маҳсулдорлигини пасайтириб юборади. Чунки организм бир бутун бўлгани ҳолда, унинг қайси бир органи жароҳатланмасин, унинг таъсири сўзсиз организм бўйлаб тарқалади, ҳайвонни умумий касалликка, организмнинг нормал функцияси ўзгаришига олиб келади.

Ташқи касалликларга яралар, тананинг айрим жойлари қирилиши, юқумсиз тери касалликлари, кўз, оғиз, оёқ ва туёқ каби аъзоларнинг оғриғи киради. Чорвачилик фермаларидаги ҳар бир чорвадор бундай касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш чораларини ҳамда барча

Қорамол парваришилаш сирлари

тадбирларни ўз вақтида қўллай билиши муҳим аҳамиятга эга.

Яралар, жароҳатланиш натижасида теридан қон оқиши ва унинг олдини олиш. Теридан қон оқса, биринчи навбатда қон оқишини тўхтатиш керак. Қиши вақтида муз ёки қорни тоза дока ёки рўмолга ўраб қон чиқаётган жойга теккизиб турилади. Бошқа пайтда докани муздек сувга ботириб, сувни сиқиб ташлаган ҳолда ярага теккизилади. Агар қон оқиши кучли бўлса, ўша жой боғлаб қўйилади. Яраларни даволаш учун ветфельдшер ва ветеринария враchlари барча чораларни қўллашлари керак. Иилнинг иссиқ кунларида яраларга турли пашша ёки бошқа ҳашаротлар тухум қўймасликлари учун унга креолин, нафталин, иодоформен дорилар суркаб қўйилади.

Молларнинг майиб бўлиши. Моллар баъзан бир-бирини тепиб ёки сузиб майиб қилиб қўйишади. Жароҳатланган ер ўз хусусиятига кўра даволанади. Бунда йод ёки айрим дезинфекцияловчи дорилардан фойдаланилади. Айрим вақтларда, иситкич компресслар - скипидр ва камфора мойларини қўллаш мумкин.

Агар ҳайвон оёғи синса, у ҳолда тезда ветеринария ёрдамини кўрсатиш лозим. Бунда молни даволаш ва тузатиб юбориш иқтисодий жиҳатдан фойда бермайдиган бўлса, у ҳолда мол сўйилади.

Юқумли касалликлар

Юқумли касалликлар ўз хусусиятига кўра, инфекцион ва инвазион касалликларга бўлинади.

Инфекцион касалликлар турли микроблар, замбурууглар, вируслар ёрдамида тарқалади ва

улар озиқ, ҳаво, яра ёки тананинг шилингиган жойидан организмга ўтиши мумкин. Инфекцион касалликларни тарқатувчи майда организмлар ҳайвон танасини тезда жароҳатлайди ва нобуд бўлишига (агар унинг олди олинмаса) олиб келади. Айрим юқумли касалликлар тез тарқалиши ва қисқа вақт ичидан бутун подадаги, хўжалик, туман ва вилоят миқёсидаги молларни нобуд қилишга олиб келиши билан хавфли ҳисобланади. Шу сабабли бирорта ҳайвон касалланса, уни касаллик хусусиятига кўра, соғлом моллар подасидан ажратиб олиш ва тезда даволаш керак бўлади.

Куйдирги. Бу касаллик тез тарқалиши ва одамга ҳам ўтиши мумкин. У тупроқ таркибида бир неча йиллар мобайнида ўз фаолиятини сақлаб қолади ва спораларни вужудга келтирувчи микробларнинг организмга тушиши натижасида юз беради. Бу касаллик жуда тез пайдо бўлиши ва бир неча соат мобайнида ҳамма соғлом молларга юқиши билан характерли ҳисобланади. У турли усулда - озиқлар билан, қон сўрувчи ҳашоратлар ва сув орқали тарқалиши мумкин.

Касалликнинг асосий белгилари қуйидагилар: тана ҳарорати кўтарилади, иштаҳа бўғилади, нафас олиш қийинлашади, букчайиб қолади ва титроқ пайдо бўлади. Ҳайвоннинг танаси шишиб кетади ва нобуд бўлади. Бу касалликдан нобуд бўлган ҳайвон териси шилинмайди, чуқур ўрага кўмиб юборилади. Ўлмай қолган мол касалликка қарши эмланади ва барча эҳтиёткорлик чоралари кўрилади.

Қорасон. Бу касаллик билан оғриган сигирнинг ҳарорати кўтарилади, бўшашади, букчайиб қолади. Сон ва бошқа сергўшт ерлари шишиб кетади. Бу шишлар пайпаслаб кўрилса, ундан фижиллаган овоз эшитилади. Орадан ярим сутка

Қорамол парваришилаш сирлари

ўтгач, шиш совийди, тери қаваради, лекин ўша жойи оғримайди. Бу касалликдан кўплаб сигирлар нобуд бўлади. Ўлик ҳайвоннинг териси шилинмай, чуқур кўмиб юборилади. Соғломлари эса касалликка қарши эмланади.

Оқсим касаллиги. Бу тез тарқалувчи касаллик ҳисобланиб, одам организмини ҳам жароҳатлаши мумкин. Оқсим касаллиги фильтранувчи вируслар таъсиридан вужудга келади. Касалланган ҳайвоннинг ҳарорати кўтарилади, оғзидан сўлак оқади, иштаҳаси йўқолади, тилида, милки, елини, оёқ терисининг юза қисмларида ичи суюқлик билан тўлган пуфаклар пайдо бўлади. Баъзан оёқнинг туёққа туташган ерида ҳам жароҳатланиш излари пайдо бўлиб, у ҳайвоннинг оқсоқ бўлишига олиб келади.

Касал ҳайвон соғломларидан ажратиб қўйилади, карантин қилинади. Молхоналар формалин ва ўювчи натрий эритмаси билан дезинфекцияланади. Соғлом моллар касалликка қарши вакцина билан эмланади.

Қутириш. Ҳайвонларнинг қутириш касаллиги одам учун ҳам хавфли ҳисобланади. Уни фильтранувчи вируслар келтириб чиқаради, касаллик ҳайвон сўлаги орқали тарқалади. Қутирган мол нобуд бўлади. Соғлом ҳайвонлар бу касалликка қарши эмланади. Касалликнинг оддини олиш учун дайди ит, мушук, сичқон, каламушлар йўқотилиши лозим.

Сил (туберкулёз). Бу касаллик микроби ҳайвондан одамга ҳам ўтиши мумкин. Касалликни тарқатувчи микроб коҳ таёқчаси деб аталади. Бу микроб организмдан ташқарида узоқ вақтгacha ҳаётчанлигини йўқотмайди.

Сил касаллигига чалинган сигирлар ориқлаб кетади, маҳсулоти пасаяди, нимжон бўлиб қолади.

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

Касалланган сигирларнинг киприк ости қизаради, кўзида йиринг аралаш ёш оқиб туради. Касал сигирнинг сутидан қайнатилган ёки пастеризация қилинган ҳолда фойдаланиш мумкин. Касалликнинг оддини олиш учун сигирлар тоза ҳавода кўпроқ яйратиб боқилади, барча зоогигиеник тадбирларга риоя қилиш лозим.

Инвазион касалликлар

Инвазион касалликларни қўзғатувчи организмлар турли паразитлар бўлиб, улар мураккаб биологик цикlda ривожланиш хусусиятига эга.

Инвазион касалликлар тури ва хусусиятларига кўра, бир неча гурухга бўлинади. Масалан, қон паразити касалликлари (гемоспоридиозлар), гижжа касалликлари (гельминтоузлар) ҳамда қанотли ҳашаротлар (бўка) томонидан вужудга келтириладиган касалликлар.

ҚОРАМОЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ВЕТЕРИНАРИЯ ТАДБИРЛАРИ

Қорамолчилик билан шуғулланувчи фермер ҳайвонларнинг касалликларини оддини олиш ва зарур ҳолларда уларга дастлабки ветеринария ёрдами кўрсатишни билишлари зарур. Масалан, туғиш жараёнида, катта қорин дам бўлиши ва заҳарланишда ёрдам кўрсатиш. Булардан ташқари, йилнинг фасллари бўйича бевосита фермерларнинг ўзлари бажаришлари лозим бўлган тадбирлар эътиборда бўлиши лозим.

Қорамолчилик фермаларида қуйидаги зооветеринария тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади:

Қорамол парваришилаш сирлари

- фермалар атрофи үралган, ферма ҳудудига кириш-чиқиши факат дезобаръер ва дезоматлар орқали бўлиши;
- ферма ишчилари махсус кийимлар билан таъминланиши;
- ҳайвонларни сақлаш ва парваришилашда зоогигиеник талабларга риоя қилиниши;
- эпизоотияга қарши тадбирлар режасига кўра, ҳайвонларни сурункали юқумли касалликларга (брүцеллёз, туберкулёз) текшириш ва эпизоотияга қарши тадбирлар режасига кура касалликларга қарши эмлаш;
- ойига бир, икки марта ферма ҳудуди ва молхоналарни чиқинди ва гўнгдан тозалаш, дезинфекция ўтказиш;
- ҳайвонларга ёз ойларида ҳар ҳафтада бир марта, қиши даврида ҳар 10 кунда бир марта эктопаразитларга қарши ишлов бериш;
- ҳайвонларни эрта баҳорда ва кеч кузда бир марта, яъни йилига икки марта гельминтсизлантириш;
- ҳайвонларнинг ёши, физиологик ҳолати бўйича алоҳида гурухларда сақлаш;
- бўғоз сигир ва ғунажинлар бўғозлигининг 7-ойидан бошлаб алоҳида сақлаш ва озиқлантиришни ташкил этиш;
- янги туғилган бузоқларни 1 соат ичида сифатли увиз билан таъминлаш ва 15-20 кун давомида онаси билан биргалиқда сақлаш;
- ҳайвонларни ҳар 10 кунда бир марта кўздан кечириш, маҳсулдорлик ва тана вазни ортишини таҳдил қилиш;
- йилнинг ҳар чорагида бир марта фермадаги мавжуд ҳайвонларни тўлиқ ветеринария кўригидан, диагностик текшириш-лардан ўтказиш, аниқланган касалликларни бартараф этиш;

Сут ва гўшт маҳсулдорлиги

- ветеринария мутахассисларининг барча кўрсатмалари сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва уларнинг ишлаши учун барча шароитларни яратиш.

Корамолчилик фермер хўжаликларида ҳайвонларнинг айrim юқумли ва юқумсиз касалликлари тез-тез қайд этилиб турилади. Шунингдек, бу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича фермерлар ҳам маълум тушунчаларга эга бўлишлари лозим.

Хўжаликларда бузоқларни парваришилаш ва тўғри озиқлантириш келгусида юқори наслий кўрсаткичларга эга бўлган, соғлом ва маҳсулдор сигир зотларини яратишида катта аҳамиятга эга. Бунга бузоқларнинг неонатал, яъни ҳаётининг дастлабки кунларида учрайдиган касалликлари катта тўсқинлик қиласи. Шу боисдан сигирлар ва ёш ҳайвонларда учрайдиган айrim касалликлар тўғрисида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Сигирларда кўп учрайдиган касалликлар:

Қизилўнгачнинг тиқилиши

Ошқозон олди бўлимларининг гипотонияси

Катта қорин ацидози

Катта қорин алкалози

Катта қорин тимпанияси

Травматик ретикулит ва ретикулоперитонит

Кетоз

Остеодистрофия

Туғруқдан кейинги гипокальциемия

Эндемик буқоқ

Гипокупрозд (мис етишмовчилиги)

Гипокобальтоз

Марганец етишмовчилиги

Қорамол парваришилаш сирлари

Рух етишмовчилиги
Селен етишмовчилиги

Бузоқларда күп учрайдиган касалликлар:

Диспепсия (носпецифик диарея)
Қайталовчи тимпания
Бронхопневмония
Ретинолнинг етишмовчилиги (А гиповитаминози)
Д гиповитаминози (ракхит)
Алиментар анемия

ФЕРМЕРНИНГ КУН ТАРТИБИ

Тадбирлар	Бошланиши, соат	Туталланиши, соат	Давомийлиги, соат
Эрталабки соғим ва озиқлантириш	6.00	8.00	2.00
Маҳсулотларни ҳисоблаш ва жўнатиш	8.00	9.00	1.00
Дала ишлари билин шугууланиш	9.00	11.00	2.00
Ҳайвонларни озиқлантириш	11.00	12.00	1.00
Тушки дам	12.00	14.00	2.00
Ташкилотлар билин мулоқат	14.00	16.00	2.00
Дала ишлари билин шугууланиш	16.00	18.00	2.00
Ҳайвонларни кўриқдан ўтказиш ва озиқлантириш	18.00	19.00	1.00

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Т.Х.Икромов. Чорвачилик. - Тошкент, "Мехнат", 1985.
2. А.М.Аҳмедов, Н.М.Самородов, Я.Жиянов. Сутчилик иши ва чорвачилик маҳсулотлари технологияси. - Т.: «Ўқитувчи», 1973.
3. А.Исмоилов. Саноат чорвачилигига озиқлардан унумли фойдаланиш. - Тошкент, «Ўзбекистон», 1981.
4. Интернет маълумотлари.
5. Матбуот саҳифалари.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
Чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти	4
Қорамолларнинг аҳамияти	6
Қорамолларнинг биологик ҳусусияти	7
Қорамолларнинг маҳсулотига кўра асосий йўналиши	8
Сут йўналиши	9
Гўшт йўналиши	13
Кўш маҳсулот берадиган йўналишдаги зотлар	16
Сигирларни боқиши	18
Ем-хашакнинг тўйимлилигини ошириш	21
Ем-хашакнинг сифати ва таркиби	23
Озиқларни молларга беришга тайёрлаш	35
Бўғоз сигирларни парваришилаш ва озиқлантириш	35
Бузоқларни боқиши ва парвариш қилиш	38
Ёш молларни 6 ойлигидан 2 ёшгacha боқиши	41
Наслдор буқаларни боқиши ва парвариш қилиш	44
Қорамоллардан олинадиган маҳсулот турлари	45
Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги	46
Сигир сутининг аҳамияти	47
Сутнинг серқаймоқ бўлишига таъсир этувчи омиллар	47
Сут таркибининг йил фаслларига қараб ўзгариши	49
Сигирлардан тоза ва сифатли сут сотиб олиш тадбирлари	51

Сигирларни қўлда соғиш	52
Сигир соғишидаги санитария қоидалари	54
Сигирлардан узоқ муддат фойдаланиш тадбирлари	55
Сутни қайта ишлаш	56
Сутни пастерлаш ва стерилаш	57
Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги	57
Молларни бўрдоқига боқиши	60
Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигига таъсир этадиган омиллар	61
Молларни боқиши ва семиртириш усуллари	65
Катта ёшдаги молларни боқиши	66
Қорамолларни яйловда боқиши	70
Молларни гўштга боқишида биологик фаол моддалардан фойдаланиш	72
Қорамоллардан сифатли тери етиштириши	72
Чорвачилик биноларига бўлган санитария ва гигиена талаблари	73
Комплекс қуриш учун маҳсус қисмларга бўлинган зоогигиена талаблари	75
Ёргуликнинг гигиеник аҳамияти	76
Ҳаво режими нинг ҳайвон организмига таъсири	78
Чорва молларининг асосий касалликлари	83
Қорамолчилик фермер хўжаликларида ветеринария тадбирлари	90

Қорамол парваришилаш сирлари

**Тўплаб, нашрга тайёрловчи:
Рустам Қурбонов**

**«MERIYUS»
Тошкент – 2013**

Масъул мұхаррир:
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА
Мұхаррир:
Адиба Ҳамро қизи
Техник мұхаррир:
Зухра Ҳамдамова
Мұсақхид:
Алишер Рұзиматов
Фоя муаллифи:
Зулфия Толипова

Теришга берилди: 21.05.2013. Босишига рухсат этилди:
23.05.2013. Бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. BalticUz
гарнитураси. Босма табоби: 10,25. Адади: 3000. Буюртма: 11.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Нашриёт лицензияси: AI № 104 – 15.07.2008 йил.

“MERIYUS” хусусий матбаа-нашриёт корхонасида
нашрга тайёрланди.

Манзил: ген. Узоқов кўчаси, 2-А уй.

«Shams ASA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шахри, Бунёдкорлар кўчаси, 28-уй.